O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 1-dekabr, chorshanba № 97 (7706)

Da'vat

O'zini millatning, xalqimizning haqiqiy farzandi deb hisoblovchi har bir fidoyi inson bolalar sportini rivojlantirish masalasiga befarq bo'lmasligi kerak.

Islom KARIMOV

БОҒОТНИНГ БАҒРИКЕНГ СПОРТ МАСКАНИ

тўгаракларига 1170 нафар ўқувчи аъзо бўлди



Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур. Мана шу иборани ўзларига шиор қилиб олган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1 сентябрь куни боғотлик болаларга ажойиб бир совға топширилди. Бу замонавий талаблар асосида қад ростлаган спорт мажмуасидир. Боғот тумани марказида иш бошлаган ушбу масканда айни кунда спортнинг 12 тури бўйича машғулотлар олиб бориш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. 15-, 3-, 39-, 4-, 44-, 1-, 92-мактаблар, 3-лицей-интернат ўқувчилари учун хизмат қилаётган спорт мажмуасида футбол, кураш, каратэ турлари билан шуғулланиш истагидаги ўқувчилар кўпчиликни ташкил қилмоқда. Шу кунгача 1170 нафар бола спортнинг у ёки бу тури бўйича тўгаракларга аъзо бўлди. Спорт масканининг етакчи мутахассиси Матқурбон Жуманиёзовнинг таъкидлашича, Боғотдаги ушбу спорт мажмуаси бундан ҳам кўп болани бағрига сиғдира олади.

Суратларда: спорт мажмуаси ҳаётидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

SESSIYA

Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n oltinchi sessiyasi 2-dekabr kuni ertalab soat 10 da O'zbekiston Respubliikasi Oliy Majlisining majlislar zalida ochiladi. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi deputatlari 1-dekabr kuni soat 9.00 dan 18.00 ga qadar va 2-dekabr kuni soat 8.30 dan 10.00 ga qadar O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisida ro'yxatga olinadi.

(Davomi 2-betda)

Ibrat

Peshku tumanidagi Navchahon qishlog'ida yangi maktab binosi qad rostladi. Ikki qavatli bu zamonaviy bino qurilishiga 140 million so'm mablag' sarflandi.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МЕҲНАТИМИЗ ЭЪЗОЗЛАНАЯПТИ 2-бет

ТАЪЛИМДА КОМПЬЮТЕРНИНГ ЎРНИ ёхуд унинг қадр-қиммати қачон ошиши хусусида 5-бет

БУВИСИНИНГ ҚИЗИ 8-9-бетлар

СУВ ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАР улар мактаб дарсликларига киритиладими? 12-бет

SO‘NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

OLIY MAJLISDA

Oliy Majlisning Budjet, bank va moliya masalalari qo‘mitasining vazirliklar, davlat qo‘mitalari va bank rahbarlari ishtirokidagi kengaytirilgan yig‘ilishida moliya vaziri S.Rahimov Davlat budjetining 2004-yildagi kutilayotgan ijrosi hamda O‘zbekiston Respublikasining 2005-yilgi Davlat budjeti loyihasi to‘g‘risida axborot berdi. Vazir kelgusi yilgi davlat budjeti loyihasida Maktab ta’limini rivoj-lantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirishga, sog‘liqni saqlash, sport va oilalarga ijtimoiy nafaqalarni moliyalashtirishga alohida e‘tibor qaratilganini ta‘kidladi.

BITIM

O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligida O‘zbekiston Respublikasi bilan Rossiya Federatsiyasi o‘rtasida ikki mamlakat havo kengliklari xavfsizligini ta‘minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi havo hujumiga qarshi mudofaa qo‘shinlari va harbiy-havo kuchlaridan hamda Rossiya Federatsiyasi harbiy-havo kuchlaridan birgalikda foydalanish to‘g‘risidagi bitimning ratifikatsiya yorliqlari almashildi. Almashuv to‘g‘risidagi protokollarga O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vaziri Sodiq Safoyev va Rossiya Federatsiyasining mamlakatimizdagi Favqulodda va muxtor elchisi Farit Muxametshin imzo chekdilar.

YIG‘ILISH

Oliy Majlis ijtimoiy masalalar va bandlik qo‘mitasining yig‘ilishi bo‘lib o‘tdi. Yig‘ilishda ikkinchi chaqiriq Oliy Majlisning o‘n oltinchi sessiyasi kun tartibiga kiritilgan masalalar hamda nogironlarni ijtimoiy himoya qilishga qaratilgan qonunlarning O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish hamda Sog‘liqni saqlash vazirliklari tomonidan 2004-yil - Mehr va muruvvat yilidagi ijrosiga oid masala ko‘rib chiqildi.

МЕҲНАТИМИЗ ЭЪЗОЗЛАНАЯПТИ

яъни, ойлик маошимга қўшимча ўн беш минг сўм устама ҳақ олаяпман

Jarayon

Дарҳақиқат, шундай: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 335-сонли «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарори кўнглимизни янада юксалтирди. Аввало, мактабимизда тузилган ўн бир кишидан иборат комиссия қарорнинг ижросини тўғри ва ҳаққоний таъминлаш мақсадида муаллимларимизнинг фаолиятини ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқди. Натижада менинг ҳам ўқув-тарбия жараёнига қўшган шахсий ҳиссам инобатга олиниб, ойлик маошимга қўшимча ўн беш минг сўм устама ҳақ ола бошладим. Мен қатори жамоамизда фаолият кўрсатаётган 15 нафар бошланғич синф ўқитувчисидан 7 нафари ҳам эришган натижаларига қараб, қўшимча рағбатлантирилаяпти. Бундай қўшимча рағбатлантиришлар ҳамкасбларимизни машғулотларда янги-янги услубларни қўллаб, изланиб ишлашга ундамоқда, десам сира муболаға бўлмайди. Гап шундаки, кишининг нималарга қодирлигини аниқловчи жараён ўқитувчилар ўртасида ижодий рақобат муҳитини юзага келтираяпти. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг тушунчаларини тўлиқ ўзлаштиришларига эришиш мақсадида янги педагогик технологиялардан фойдаланишяпти. Дарс ишланмалари тайёрлашиб, очиқ дарслар ўтказишмоқда. Синфдан ташқари ишларни ҳам жонлантиришяпти.

Ўқув йилининг иккинчи ярмида устама ҳақ оладиган ўқитувчилар сафи янада кенгаяди. Чунки устама ҳақ олмаётган, аммо илғорлар қаторида бўлишга интилаётган ҳамкасбларимиз мактабимизда тузилган комиссияга ариза билан мурожаат қила бошлашди. Бу дегани рағбат — ўқитувчиларни ижодкорликка, ҳар бир дарсга янгилик билан киришга даъват этяпти.

Мукамбар РИХСИЕВА,
Яккасарой туманидаги 127-мактабнинг биринчи тоифали бошланғич синф ўқитувчиси

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида Республика солиқ қўмитасининг матбуот хизмати ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

ТАЛАБА ВА СОЛИҚ

Учрашув Республикамизда солиқ тизимидаги жараёнларни матбуот ва телевидиниеда қандай ёритилиши, мавжуд реклама кўринишларининг ютуқ ва камчиликларига бағишланди.

Жонли мулоқотдан кўзланган мақсад солиқ тизимини ОАВдаги кўринишларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Мухлиса МЎМИНОВА

«Obuna — 2005»

ГАЗЕТА ЎҒИРЛАШ МУМКИН(МИ?)

Хабарингиз бор, Халқ таълими вазири буйруғига кўра тизимда чоп этилаётган матбуот нашрлари масъул ходимларининг обуна мавсумида ўз муштарийлари билан жойларда учрашувлари ташкил этилаяпти. Худди шундай «Матбуот кунлари» Жиззах шаҳрининг Ҳамроқул Носиров номидаги 16-мактабида ҳам бўлиб ўтди. Ҳудуддаги илғор ўқитувчилар, таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида кечган ушбу учрашувнинг мақсад-муддаолари ҳақида Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Астанақул Бегбоев айтиб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққан меҳмонлар бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан таълим тизимига қаратилаётган юксак эътибор, тезкор даврда матбуотнинг ўрни хусусида тўхталиб ўтдилар.

Учрашувда билдирилган фикрлар таълим ходимларининг ўз нашрларига бефарқ эмасликларини кўрсатди.

— Ушбу нашрлар, хусусан «Маърифат» газетаси бизнинг доимий суянчиғимизга айланган, — дейди Жиззах шаҳридаги 7-мактаб директори Мавжуда Алиева. — Севимли газетамизда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига оид кўпроқ мақолалар бериб борилишини истардик. Яна бир таклифим: таълим тизимида эришилаётган ютуқлари ва йўл қўйилаётган муаммолар таҳлиллари бўйича вилоятлар, туманлар мониторинги бериб борилса, бу ўз ишимизни тўғри ташкил этишимизга ёрдам берарди. Тарихда яшаб ўтган, илм-фанда катта кашфиётлар қилган буюк сиймолар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳам кўпроқ мақолалар берилса...

— Газетада бериб борилаётган таълим жараёни ҳақидаги мақолалар ишимизни тўғри режалаштиришимизга ёрдам беради, — дейди Жиззах шаҳридаги 5-мактаб илмий бўлим мудираси Рита Зиновьева. — Яна шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, «Ma'rifat» менинг тил ўрганишимга ёрдам бермоқда. Газетада ўсмир ёшдаги қизлар тарбиясига оид мақолаларга ҳам кенгроқ ўрин берилса, фойдали бўларди.

Фориш туманидаги 4-мактаб директори Отақул Холиқулов мактабларда ягона ўқувчи формасини тадбиқ этиш тарафдори экан. «Севимли газетамиз шуни мунтазам тарғиб этишини истардим», деди домла.

Учрашувда билдирилган фикрлар хилма-хиллигини шу билан изоҳлаш лозимки, ҳар бир муштарий асосан ўз соҳаси, ўз фани бўйича матбуотда қўшимча материаллар ўқишни хоҳлайди. Таълим нашрлари вакиллари билдирилган талаб ва истаклар, фикрларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолмаслигини, улардан албатта ўз нашрлари истиқболида фойдаланиш ниятида эканликларини билдирдилар.

Учрашувдан сўнг меҳмонлар вилоятнинг чекка Бахмал, Зомин, Дўстлик туманларида ҳам бўлишиб, у ердаги ўқувчилари фикрларини ҳам тингладилар. Зомин туманидаги 60-мактаб раҳбари Ҳайдар Ҳакимов «Ma'rifat» газетасининг ўн йиллик тахламини тўплаган, уни қолдирмай ўқиб борар экан. Ушбу мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Шуҳрат Албеков газетада ўз фани бўйича ҳам дарс ишланмалари, янгиликлар, тажрибалар, спорт юлдузлари ҳаётидан лавҳалар бериб борилишини сўради. Шунингдек, мактабнинг бошқа ўқитувчилари ҳам нашрлар хусусида ўз фикрларини билдириб ўтишди.

Дарвоқе, мақоламиз сарлавҳаси хусусида. Учрашувдан сўнг мактаб ҳовлисига чиқишда бир ёш ўқитувчи (Зилола Бобобекова) келиб, «Ma'rifat» номига чуқур миннатдорчилик билдирди. «Газетанинг ҳар бир сони биз учун жуда фойдали чиқаяптики, кутубхонага келадиган газета ўқитувчилар ўртасида талаш бўлиб қолади, — деди муаллима. —Сабримиз чидамай директоримиз хонасидан газетани ўғирлаб чиқиб ўқиб оламиз».

Шу орада йиғилганларда, «газета ўғирлаш мумкинми?» мавзуси енгил ҳазил уйғотди. Охир хулоса шу бўлдики, мумкин, аммо, кўпроқ обуна бўлинса, бунга эҳтиёж қолмас экан.

Жиззах вилоятидаги учрашувлардан сўнг матбуот вакиллари қўшни Сирдарё вилоятига ўтишди. Мирзаобод туманидаги 21-мактаб ҳаёти билан танишув меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Дарҳақиқат, республикамизда таниқли бўлган, ЮНЕСКОга аъзо ушбу таълим муассасасида ибратли ишлар йўлга қўйилган. Учрашувда сўз олган Ҳамза Розиқов (мактаб раҳбари), Марҳабо Рустамова, Набира Саидқосимова, Тамара Шавқиева ва бошқа ўқитувчилар таълим нашрлари ва бугунги таълим жараёни хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Мактабнинг тиришқоқ, тийрак, ўз мустақил фикрига эга бўлган ўқувчилари меҳмон журналистларни эътиборсиз қолдирмади. Ҳар ойнинг охирги душанбаси мактабда ўқувчилар бошқаруви куни сифатида ўтар экан. Фикримизча, бу куни ўқувчилар нафақат устозлари қўлидан ишини оладилар, балки уларга тааллуқли нашрлар билан ҳам танишиб борсалар керак.

Икром БЎРИБОЕВ

ҚОНУНИЙЛИК, ОШКОРАЛИК, МУСТАҚИЛЛИК АСОСИЙ ТАМОЙИЛДИР

Бугунги кунда аксарият мамлакатларнинг қонун чиқарувчи органлари икки палатали парламентдан иборатдир. Уларнинг сони охирги йилларда 42 тадан 75 тагача кўпайди. 2005 йилда уларнинг сафига Ўзбекистон парламенти ҳам қўшилади. Бу республикамиз сиёсий ҳаётида жуда муҳим рол ўйнайди. Икки палатали парламент ҳақида жуда кўп ва хўп гапириш мумкин. Хўш, республикамизда ўтадиган референдумларни ким ташкил этади? Сайловни ўтказиш тартиби қандай бўлади? Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг хусусиятлари қандай? Шу кунларда Марказий сайлов комиссияси фаолият жараёни қандай кечаётганлиги ва бир қатор саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек Соатов билан суҳбатлашдик.

— Ойбек ака, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис сайловларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий тамойиллари — қонунийлик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлиликдир. Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Сайловларни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар, низомлар қабул қилади. Йўриқномалар чиқаради ва тушунтиришлар бериб боради. Марказий сайлов комиссияси сайловни тайёрлаш, ўтказишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари сайлови бўйича сайлов бюллетенлари, сайловчилар рўйхатлари, имзо варақалари, сайлов комиссиялари баённомалари ва бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, овоз бериш қутиларининг ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини белгилайди. Сайловнинг умумий якунини чиқаради. Сайловдан кейин Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси, Сенатнинг биринчи мажлисини чақиради ва сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади. Марказий сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари округ ва участка сайлов комиссиялари, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар учун мажбурийдир.

— Сайлов округи ва участкаларини ташкил этиш, округ ва участка сайлов комиссияларини тузиш хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 120 депутатдан иборат бўлади. Сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Бунда сайлов округларининг чегаралари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади. Бироқ сайлов округлари тузилишида туманларнинг ҳудудий чегаралари рол ўйнамайди. Яъни, аҳоли сони тақсимланишида — сайловчилар сони кам бўлган бир неча туман ҳудудида битта округга ёки битта туман аҳолиси иккита сайлов округига бириктирилиши ҳам мумкин. 1999 йилги парламент сайловида битта округга ўртача 50 минг сайловчи тўғри келган бўлса, Қонунчилик палатасига сайловда эса ҳар бир сайлов округи ўртача 119,6 минг сайловчидан ташкил топади.

Сайлов участкалари туман ва шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан, округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда, санаторийлар, дам олиш уйларида, касалхоналар, стационар даволаш муассасаларида ҳам тузилиши мумкин. Улар жойлашган еридаги сайлов округи таркибига киради. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида камида 20 нафар ва кўпи билан 3 минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида 70 кун қолганда комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида 6 нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади.

Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан, зиммаларидаги юкланган вазифаларни бажариш қобилиятига эга бўлган кишилардан танлаб, тайинланиши керак. Бир округга икки, айрим жойларда уч туман ҳудуди киради. Демак, комиссияда туманлар вакиллари кенг иштирокини таъминлашга ҳам эътибор бериш талаб этилади. Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

—Ойбек ака, мана депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ҳам якунланди. Шу ҳақда маълумот бериб ўтсангиз?

— Қонунларда кўрсатилганидек, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, сайловга 35 кун қолганида тугалланади. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида тегишли округ сайлов комиссияси рўйхатга олинган номзодлар тўғрисидаги хабарни маҳаллий матбуотда эълон қилди.

Рўйхатга олинган номзодлар ҳужжатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириб чиқилди.

Текширув, уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса берди. Шундай қилиб Қонунчилик палатаси депутатлигига 517 нафар номзод рўйхатга олинди. Шулардан 56 нафари мустақил номзодлардир.

— Қонунларда кўрсатилганидек, сайловолди ташвиқотига ҳам старт берилди. Бу жараён қандай кечади?

— Бу жараён қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга тенг ҳуқуқ берилади.

Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратишлари, депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади.

—1999 йили бўлиб ўтган парламент сайловларида Ташаббускор гуруҳ аъзолари сони 100 нафар бўлиши қонунда кўрсатилганди.Бу йилги сайловда эса аъзолар сони 300 нафарга кўпайтирилган. Худди шу жараёнга ЕХҲТ/ДИИҲБ Эҳтиёжларни Баҳолаш Миссияси мустақил номзодларнинг рўйхатга ўтишини қийинлаштиради, деб баҳо берган. Шунга нима дея оласиз?

— Биласизми, бу саволга жавоб бериш учун сиз тилга олган 1999 йил Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Биринчидан, ўша йили бўлиб ўтган сайловда бу йилгидек 120 та округ эмас, балки, бундан икки баравар кўп бўлган 250 та округ бўйича сайловлар бўлиб ўтганди. Ва ҳар бир округда 50 мингта сайловчи қатнашган эди. Бу йилги сайловда эса ҳар бир округга юқорида айтилганидек, ўртача 119,6 минг сайловчи белгиланди. Шу билан биргаликда ушбу округдаги сайловчилар 8 фоиз миқдорида имзоларни қишлоқ, овул ва маҳаллалардан мутаносиб равишда йиғишлари лозим бўлади. 100 нафардан иборат бўлган ташаббускор гуруҳ аъзоларининг имзо йиғишини осонлаштириш учун уларнинг аъзолари 300 нафарга кўпайтирилди. Агар бу қийинлаштириш учун қилинган дейдиган бўлсангиз, унда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўладиган сайловга ўзгартишлар киритилмаган-ку, тўғрими? Агар шу нарса кўзда тутилганда Халқ депутатлари вилоят туман ва шаҳар кенгашларига ўтадиган сайловларга ҳам шундай тўсиқлар қўйиларди. Ҳолбуки, Олий Мажлиснинг Сенати вакиллари Халқ депутатлари ичидан сайланади. Демоқчиманки, буни округларнинг камлиги ва сайловчиларнинг кўплиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу ерда яна бир нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, жаҳон тажрибаларида кузатилганидек, мустақил номзодлар сони камайиб бормоқда, сабаби сиёсий партиялар кўпаймоқда. Масалан, бу йил ўз намзодларини биринчи марта қўйган, янги ташкил топган Ўзбекистон Либерал- демократик партияси ҳар бир округга ўз номзодларини қўйди. Агар 1999 йилги парламент сайлови билан солиштирадиган бўлсак, ҳар бир округда биттадан номзод кўпайди, рақобат кучайди. Қайсидир маънода бу мустақил номзодларнинг камайишига ҳам олиб келиши мумкин. Айтмоқчиманки, сайловда партиялар иштироки кучайиб боради ва ўз-ўзидан мустақил номзодлар камайиши мумкин. Бунга глобал муаммо деб қараш керак эмас.

— "Аввал иқтисод, кейин сиёсат" дейишади. Шундай экан, сайлов кампаниясини молиялаштириш қай тарзда кечади? Шу ҳақда ҳам гапириб ўтсангиз.

— Сайлов кампаниясини молиялаштириш икки хил тарзда амалга оширилиши мумкин — **давлат** томонидан ва **нодавлат** шаклда. Давлат томонидан молиялаштириш турлари ҳам бир неча хил бўлиб, уларнинг биринчиси **тўғридан-тўғри** молиялаштиришдир. Жаҳон тажрибаларига тўхталадиган бўлсак, масалан Австралия, Канада, Германия, Греция, Исроил, Италия, Мексика, Швеция, Тайвань ва Туркияда ана шундай тартибдаги молиялаштириш тизими мавжуд. Уларнинг қонунчилигида, одатда, маблағга эга бўлиш учун муайян миқдордаги овоз тўплаш шарти қўйилади. Бу фоизлар, ҳамма мамлакатларда ҳар хил: Германияда 0,5 фоиз, Исроилда 1 фоиз, Мексикада 1,5 фоиз, Италияда 2 фоиз, Швецияда 2-4 фоиз, Австралияда 4 фоиз, Грецияда 3-6 фоиз, Туркияда 7 фоиз, Канадада 15 фоиз ва Тайванда 75 фоиз овоз тўпланиши лозим.

Тўғридан-тўғри молиялаштиришда маблағларни тақсимлаш ҳам икки хил йўл билан амалга оширилиши мумкин. Биринчиси, ҳар бир тадбир учун алоҳида ҳисоб билан пул ўтказиб бериш тартибидир. Иккинчиси эса олинган овозлар фоизини инобатга олган ҳолда пул миқдорини ҳисоблаб чиқиб, уни партиялар ва номзодлар орасида тақсимлашга асосланган.

Сайловга 25 кун қолди

Бизнинг мамлакатимиз қонунчилигида молиялаштиришнинг иккала тури ҳам кўзда тутилган бўлиб, унга биноан, сиёсий партиялар давлат ажратадиган маблағлар, хайрия маблағлари, аъзолик бадаллари ҳисобига молиялаштирилади. Давлат томонидан молиявий таъминот олиши учун партия Қонунчилик палатасида фракция тузиш имконини берадиган даражадаги миқдорда, яъни 9 нафар овоз тўплаган бўлиши лозим. Сайлов арафасида сиёсий партиялар учун ажратилган барча пул маблағлари Марказий сайлов комиссиясида тўпланиб, ҳар бир партия, номзод ва ташаббускор гуруҳларга тенг миқдорда тақсимланади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 64- моддасига мувофиқ, давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш таъқиқланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ҳам ишлаб чиқилган. Сайлов кампаниясида сиёсий партиялар, корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқаролар ихтиёрий равишда ўз маблағлари билан иштирок этишлари ҳам мумкин. Лекин, ушбу маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, сиёсий партияларнинг Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Уларнинг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтадиган сайлов жараёнига 3 миллиард 790 миллион сўм ажратилган. Сиёсий партиялар учун 430 миллион 500 минг сўм ажратилган. Ҳар бир номзодга эса 717,5 минг сўмдан пул маблағи ажратилди. Булар тарғибот-ташвиқот учун ишлатилади.

"Ma'rifat"нинг махсус мухбири Шерзод АҲМАТОВ суҳбатлашди.

Ta'limda hamkorlik

МАҚСАДЛАР УЙҒУН

Пойтахтимиздаги "Шератон" меҳмонхонасида Марказий Осиё давлатлари ва Қозоғистоннинг таълимга оид 5-йиғилиши ўтказилди. Маълумки, ушбу форумга дастлаб 2002 йилда мазкур давлатлар иштирокида асос солиниб, биринчи форум Қозоғистонда бўлиб ўтган эди. Форум таълимни ривожлантиришга доимий ва тизимли равишда ўтиш, таълим соҳасида ўзгаришлар бўлаётган айни пайтда ушбу беш мамлакатда ҳам халқаро агентликлар, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, давлат идоралари билан ҳамжиҳатликда 2015 йилга қадар "Катталар таълими" дастурини муваффақиятли амалга ошириш, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция, 2000 йилда Дакар Форумида қабул қилинган "Катталар таълими" декларацияси, "Болаларга қулай дунё" ҳисоботи каби меъёрий ҳужжатлар асосида бир қатор вазифаларни белгилаб олган эди. Форумнинг кейинги бўйича тадбирларни кенгайтириш, барча болаларнинг бепул ва мажбурий умумий ўрта таълим олишларини таъминлаш, 2005 йилгача ўғил ва қиз болаларнинг бошланғич ва ўрта таълимга жалб этилишидаги фарқни йўқотиш масалалари кўрилган.

Мазкур Форумнинг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги 5-йиғилишида ҳам Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари таълим вазирлари ўринбосарлари, ЮНЙСЕФ ва ЮНЕСКО ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Усмонали Мусаев очар экан, Марказий Осиё давлатлари қадим-қадимдан илдизи муштарак, тили, дини, маданияти, ҳатто, бажарилиши лозим бўлган вазифалари ҳам бир эканини таъкидлади. Сўнгра турли жойларда ўтган йиғилишларида таълим соҳасидаги муҳим саналган асосий жиҳатларни аниқлаб олиш, "Таълим барча учун" ҳаракатининг миллий режалари, болалар ва катталар таълимининг сифатлилигига эришиш, таълимда тендер масалалари, мактабгача ёшдаги болаларни парваришлаш ва тарбиялаш галма-галдан Қозоғистон вакили "Ҳаётий кўникмага ўргатиш", Қирғизистон вакили "Катталар таълими", Тожикистон вакили "Қизлар таълими" мавзуларидаги маъруза қилиб, тавсия, тажрибаларининг тақдимотини ўтказишди.

Йиғилиш сўнгида иштирокчилар ушбу форум таълим соҳасидаги сезиларли қадам бўлиши ҳамда мазкур бешта мамлакатнинг бундан кейинги ҳар томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлашди. .

Шерали НИШОНОВ

КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ёш авлод шуурига Конституция сабоғини мукаммал сингдириш, уларнинг ҳуқуқий савод-хонлигини ошириш, йигит-қизларимиз қалбида қонунларимизга ҳурмат туйғуларини мужассамлаштириш таълим-тарбия жараёнининг ажралмас қисмларидан биридир.

Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 12 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган бир қатор тадбирлар ана шу мақсадларга қаратилди.

"Конституция — бахтимиз пойдевори" шиори остида ўтказилган диктантлар танловида Навбаҳор туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Мафтуна Эрназарова фахрли биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шу мавзуда ўтказилган баёнлар танлови ғолибаси сифатида Кармана туманидаги 22-мактаб ўқувчиси Фотима Ниёзова тан олинди. Конституциямиз таърифини ўз иншосида бетакрор тарзда ифодалаган Кармана туманидаги 22-мактаб ўқувчиси Нафосат Мавлонова ҳам ғолиблар сафидан ўрин олди. Яна шу туманнинг 5-мактаб ўқувчиси Собир Нусратов чизган суратлар ҳакамлар ҳайъати томонидан энг юқори совринга муносиб деб топилди.

Шунингдек, Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб этиш, ўқув хоналарининг безалиши, кейинги беш йил давомида ўқувчилар ва ўқитувчилар томонидан қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилмаган ўқув муассасалари ҳам танлов жараёнида аниқланиб борилди. Бу борада Навоий шаҳридаги 12, Зарафшон шаҳридаги 13, Нуротадаги 18-мактабларда ижобий ишлар олиб борилаётгани алоҳида эътироф этилди. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқатли, юксак ахлоқли авлодни тарбиялашда ўзига хос тажриба тўплаган Навбаҳор тумани 17-мактаб жамоаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари танловининг совриндори деб топилди.

О.ОЧИЛОВА

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ЎзМУ қошидаги Олий педагогика институтида "Ўзбекистонда миллий давлатчилик назарияси ва ҳуқуқий асослари" мавзуида бўлиб ўтган илмий-услубий семинарда биринчи бўлиб сўз олган ОПИ директори, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Шаропов "Ўзбекистонда давлатчилик тарихини ўрганишга доир" номли маърузасида миллий давлатчилигимиз тарихини даврларга бўлиб ўрганиш концепциясига урғу берди. Профессор Равшан Сангиров эса, давлат сиёсий тизимнинг етакчи институти сифатида ислоҳотларнинг боришида, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида муҳим ташкилотчилик, назорат ишларини олиб бораётганлигини таъкидлади. Тингловчилар нафақат асосий маърузаларни диққат билан эшитишди, балки ўзлари ҳам бир-бирини такрорламайдиган, илмий характердаги тезислари билан иштирок этишди.

М.АБДУҒАНИЕВА

"2004-2005-o'quv yili — Maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish o'quv yili"

ТАДБИРЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

"Бунёдкор" ёшлар телеклубида Халқ таълими вазирлигининг мутасадди ходимлари билан мактабдан ташқари таълим муассасалари вакиллари ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мактабдан ташқари таълим фидойилари ўзлари фаолият кўрсатаётган муассасаларида эришаётган муваффақиятлари асосида бир-бирлари билан тажриба алмашдилар ҳамда дуч келинаётган муаммоларга ҳам тўхталиб ўтдилар. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни касб-ҳунарга қизиқтириш мақсадида ёшларни бундай масканларга жалб этиш лозимлиги йиғилишда таъкидланди. Давра суҳбатида муассаса раҳбарлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

***

Бугунги кунда Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат вакиллари дўстона ҳаёт кечирмоқдалар. Юртимизда ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятлари эъзозланади, ҳурмат қилинади.

Куни кеча Яккасарой тумани ўқувчилар ижодиёт марказида "Биринчи декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни" ҳамда "3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни" саналарига бағишланган "Биз дўстликни ардоқлаймиз!" мавзусида дунё халқлари рақслари фестивали бўлиб ўтди.

— Ушбу фестивалда қатнашиш жараёнида ҳам болаларимиз дунё халқларининг рақс маданияти билан яқиндан танишдилар. Ана шундай қизиқарли тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса, ўқувчи-ёшларимизнинг бадиий тўгаракларга қизиқиши ортади,— дейди Яккасарой туман ўқувчилар ижодиёт маркази директори Дилдора Яҳёева.

Байрам тадбирида Тошкент шаҳар ЎИМ, Корейс маданият маркази, Яккасарой туман ЎИМ, Юнусобод тумани "Феруз" шоу-балет дастаси, Сирғали ЎИМ, Чилонзор тумани 103-мактабнинг "Элитас" хореография ансамбли, Яккасарой тумани "Хуршид" маданият уйи, Миробод тумани "Наврўз" рақс даставлари вакиллари тожик, қирғиз, польяк, рус, украин, япон, грузин халқ рақсларини намойиш қилдилар.

***

Ўқувчи-ёшларни маънавий-аҳлоқий гўзалликдан баҳраманд қилиш, уларнинг нафисликка, ижодкорликка бўлган қобилиятини шакллантириш, ёшларни ҳалолликка ва адолатли бўлишга ўргатиш, саҳна асарлари орқали инсон ҳаёти учун хавфли бўлган нуқсонлардан холи бўлиб, улардаги олийжаноб фазилатларни ривожлантириш мактабдан ташқари таълим муассасалари олдида турган асосий вазифадир.

Ана шу мақсадда Республика Ўқувчилар саройида "Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш Конвенцияси" имзоланганлигининг 15 йиллигига бағишланган Республика ҳаваскор театрлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Қизиқарли ҳамда ҳар бир кишини ўйлашга, огоҳ бўлишга ундовчи саҳна кўринишлари барча томошабинларда катта таассурот қолдирди. Танлов натижаларига кўра, Самарқанд шаҳар ЎИМ аъзоларининг "Ватан туйғуси" спектакли биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Андижон вилояти ёш актёрларининг "Кичиклар-нинг катта ишлари" спектакли 2-ўринни, Бухоро вилояти Ғиждувон тумани жамоасининг "Истиқлол фарзандлари" саҳна кўриниши 3-ўринни эгаллади. Танловда фаол иштирок этган ҳамда Низомда қўйилган талабларни тўла бажарган болалар театри жамоалари "Энг яхши рол ижрочиси", "Қўғирчоқ театри тарғиботи учун", "Энг яхши режиссёрлик иши" номинациялари бўйича совриндор бўлдилар. Ғолиблар Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика Ўқувчилар саройининг Фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

«КОІКА» КУТУБХОНАСИ ИШГА ТУШДИ

КОІКА — корейс тилини ўрганиш, Корея маданияти, урф-одати билан чуқурроқ танишишда жуда катта қулайликлар яратадиган ташкилот. Куни кеча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида КОІКА кутубхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчиси Ким Дон Хо кутубхона очилишига июль ойидан бошланган тайёргарликлар ва бунда университет раҳбариятининг ёрдами учун миннатдорчилигини билдирди.

Кутубхона корейс тилини ўрганувчилар учун бепул хизмат кўрсатади. Кутубхонада барча қулайликлар мавжуд. Ўнлаб луғатлар, грамматика, адабиёт, тарих, санъат ва бошқа соҳадаги китоблар, 4 та компьютер, СД дисклар, аудио ва видео кассеталар жамланган. Кутубхона ҳар куни соат 9^{00}дан 19^{00}га қадар ишлайди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА

Fikr, mulohaza, taklif

TAЪLIMDA KOMPЬYUTERNING ЎRNI

ёхуд унинг қадр-қиммати қачон ошиши хусусида

Компьютерли таълим тўғрисидаги қарашларнинг пайдо бўлганига эндигина ярим аср бўлаяпти. Тарихан қисқа вақт ичида бу борада анча ютуқларга эришилди: компьютерли таълим муаммоларига қизиқувчан мутахассислар етишиб чиқди; "компьютер", "компьютерлаштириш", "дастур воситалари" каби қатор тушунчалар ва уларга оид атамалар ўзаро мулоқот, фикрлашув воситасига айланди; мактаб ўқитувчилари, ўқувчиларнинг аксарияти компьютер билан ишлаш йўллари, технологиясини эгаллаб олди, қолаверса, фуқароларнинг "компьютер саводхонлиги" ошди; йилдан-йилга таълим тармоқларининг компьютер таъминоти яхшиланиб, бойиб бормоқда. Эндиги асосий вазифа таълимни компьютерлаштиришнинг мукаммал назариясини яратишдир. Бевосита таълим жараёнини компьютерлаштириш учун республикамизда ҳам ўқитишнинг электрон воситалари кўплаб яратилмоқда. Ҳатто, электрон дарсликларни яратиш учун фойдаланиладиган дастур қобиқлар ҳам таклиф қилинмоқда. Аммо шунга қарамасдан муаммолар ҳам талайгина.

Биринчи муаммо — компьютер техникасининг танқислиги, айниқса, чекка қишлоқ туманларида уларнинг етишмаслигидир. Бу муаммонинг ечими кўпгина омилларга боғлиқ. Зеро, компьютернинг нархи анча қиммат. Республикамиз



миқёсида таълимни компьютерлаштириш, барча ўқув предметларини компьютер асосида ўқитишга ўтиш, шу йўл билан таълимнинг самарадорлигига эришиш учун бир неча ўн минглаб компьютер талаб қилинади. Шунингдек, яроқсиз бўлган, эскирган компьютерларни янгиси билан алмаштиришга тўғри келади. Шу туфайли таълимни компьютерлаштиришнинг энг қулай йўлини излашга эҳтиёж туғилади.

Иккинчи муаммо — илмий асосланган дастур воситаларини яратиш, мактабларни улар билан таъминлаш. Бу компьютер ўрнатиш билан муаммо ҳал бўлиб қолмаслигини англатади. Бу соҳадаги бош масала компьютерларнинг сифатли дастур воситалари билан таъминланишидир. Бу соҳада аҳвол қандай?

Мактабларда маълум миқдорда дастур воситалари мавжуд. Аммо уларда замонавий компьютерларнинг имкониятлари етарлича инобатга олинмаган бўлиб, "ҳа-йўқ" схемаси асосида ишлашга мослашган ва асосан, назорат қилишга мўлжалланган. Ўқувчиларда ижодий изланиш, мустақил фикрлаш, эвристик лаёқатни тарбиялашга йўналтирилган дастурлар деярли йўқ. Ўқув материалини оригинал баён қилиш, тасаввур этиш қийин бўлган жараён ва ҳодисаларни намойиш қилиш, машқлар бажартириш, ўқувчининг дарс жараёнидаги фаолиятига кўра табақалашган ҳолда уйга вазифалар тайинлаш, уларнинг дарсдаги фаолиятини қайднома кўринишида таҳлил қиладиган дастурлар мавжуд эмас. Балким, компьютерларни таълим жараёнига тезроқ олиб кириш мақсадида енгилроқ педагогик дастур воситалари ишлаб чиқилаётгандир. Асосан уларда дарслик мазмуни экран кадрларида тасвирланмоқда, холос. Бунда китоб саҳифасини варақлаш учун компьютер тугмачасини босиб, қоғоздаги матн эк-

рандаги тасвирга алмаштирилади. Бундай дастурларда топшириқлар ҳам мавжуд бўлиб, ундаги топшириқ шарти экранда тасвирланади, ўқувчи масалани дафтарда ҳал қилиб, жавобини компьютерга киритади. Натижани текширган машина унинг тўғри ёки нотўғрилигини айтади (компьютернинг бундай "имконияти"дан лол қоладиганлар ҳам оз эмас!). Бироқ бу ҳолатда компьютер арзон ва фойдаланиш учун қулай бўлган оддий дарслик ёки машқлар тўпламини қимматбаҳо, шунингдек, бу мақсадда фойдаланиш учун нокулай бўлган компьютер билан алмаштирилаётганлигини таъкидлаш лозим. Қолаверса, бу хилдаги дастурлар ҳеч қандай педагогик ва методик қимматга эга эмас.

Энг содда, айтиш мумкинки, "примитив" дастурлар таълимнинг сифати, самарадорлигига ижобий таъсир қилмайди. Таълимни "компьютерлаштириш" баъзи ҳолларда ана шундай дастур воситалари асосида амалга оширилмоқдаки, бундай ачинарли аҳволга айрим мутасадди ташкилотлар, масалан, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари етарли эътибор бермаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Компьютерли таълим амалиётининг энг етакчи соҳаси масофадан ўқитиш йўналиши бўлиб ҳисобланмоқда. Таълимнинг бу кўриниши географик жиҳатдан узоқда жойлашган мактабларга мўлжалланган эди. Аммо замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши таълим жараёнини масофадан туриб ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш имкониятларини оширди. Натижада масофали таълим компьютерли таълимнинг энг етакчи мақомини ола бошлади. Масофали ўқитиш методи асосида ўқитишнинг халқаро кенгаши таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда, жаҳонда 10 миллиондан ортиқ талаба шу шаклда таълим олмоқда.

Компьютерли таълим воситаларидан бири "электрон дарслик"лардир. Электрон дарслик деганда, давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига мос келадиган предмет ёки унинг бирор бўлими, қисмининг мазмунини тизимли баён қиладиган ва шу шаклдаги нашр сифатида махсус тасдиқдан ўтган электрон ўқув курси тушунилади. Унинг воситасида ўқувчи компьютер билан мулоқот қилиб, ўқув материалини ўзига мос суръатда, ўзини қизиқтирган муаммоларни кераклича такрорлаш асосида ўрганиш имкониятига эга. Шунингдек, электрон ўқув қўлланмалар ҳам кенг тарқалмоқда. Электрон ўқув қўлланма — дарслик ўрнини қисман ёки тўлиқ босадиган ёки алмаштирадиган ва шу шаклдаги нашр сифатида махсус тасдиқдан ўтган электрон ўқув курсидан иборат. Электрон ўқув курси деганда, ўқув курси ёки унинг бирор қисмини мустақил ўзлаштиришга имкон берадиган дастурли методик комплекс тушунилади.

Компьютерли таълим амалиётидаги энг долзарб масалалардан яна бири ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммосидир. Бу муаммони ижобий ҳал қилиш томон дадил қадам қўйилди: олий ўқув юртларида информатика ва ҳисоблаш техникаси ўқитувчилари тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда олий таълимнинг барча мутахассисликларида информатика ва ахборот технологиялари курсларини ўқитиш жорий қилинган. Мазкур ўқув предмети бўйича дарслик, ўқув қўлланмалари ва маълум даражада мукаммал педагогик дастур воситалари, электрон дарсликлар яратилган. Ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам кўп. Яъни, умумий ўрта таълимдаги ўқув предметларини ўқитишда компьютердан фойдаланиш нуқтаи назаридан ўқитувчиларнинг саводхонлиги ниҳоятда паст эканлиги, ҳалигача мукаммал педагогик дастур воситалари яратилиб, ўқув предметларини компьютер воситасида ўқитишни ташкил этишнинг умумий асослари ўрганилмаганлиги, таълимни компьютерлаштириш жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг таркибий қисми эканлигини барча мутасадди ташкилот вакиллари англаб етмаган. Бу камчиликлар бартараф қилинса, давлатимизнинг жамиятни ахборотлаштириш соҳасидаги сиёсатини тўлиғича амалга ошириш имкониятлари янада ошади.

Биз республикамизда таълим тизимини компьютерлаштириш муаммоси билан шуғулланадиган марказ ташкил қилинишини, унинг ҳузурида ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари билан бирга муҳим тадқиқот ишлари йўлга қўйилишини таклиф этамиз. Шундагина тадқиқот натижалари, илмий билимлар ўқув предметлари мазмунида ўз аксини топади ва амалиётда узлуксиз

қўлланади. Бу муаммони ҳал этишда Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ, Низомий номидаги ТДПУ , ТДТУ, А.Авлоний номидаги ХТҲҚТМОМИ, Бухоро, Самарқанд, Фарғона давлат университетларидаги илмий потенциал ва моддий-техник базадан фойдаланиш лозим. Зикр этилган манзилларда замонавий ахборот технологиялари билан боғлиқ лабораториялар фаолият кўрсатмоқдаки, уларда олиб борилаётган ишлар ва эришилган натижалар жараённинг жадаллашишига сезиларли таъсир кўрсата олади.

Мактабда ўқитиш амалиёти талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган даражада ўқитувчиларни тайёрлаш ёки малакасини ошириш тузилмаси ва мазмунини аниқлаб олиш лозим. Ўрта мактабни битирувчилар ўқув предметлари бўйича режада белгиланган ўқув материалини ўзлаштиришдан ташқари ташкил қилинган турли тизимлар ёрдамида ахборот манбаларига кира олишлари, уларда ахборотларнинг изланиши, қайта ишланиши моҳиятини тушунишлари ҳамда улардан ўқув ва ижодий ишларда фойдалана олишлари шарт. Бундай ишлар фақат мактабда ўтказиладиган дарслар орқалигина эмас, турли компьютер клублари ва ўқувчиларнинг дам олиш вақтлари ҳисобидан ҳам амалга оширилса бўлади. Ўқитувчилар малакасини оширишда режалаштириладиган мазмун ушбу йўналишларни ҳам қамраб олиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқув предметини ўқитаётган аксарият ўқитувчилар математик ва физиклардир. Таълим жараёнини компьютерлаштиришни амалга ошириш улар учун осон эмас, албатта. Шу боис, ўқитувчиларни мазкур йўналиш бўйича қайта тайёрлаш вазифаларига ҳам эътиборни қаратиш керак. Ҳозирги кунда турли мутахассисликлар бўйича малакасини оширадиган ўқитувчиларга 8 соат (2 соат маъруза, 6 соат семинар) ҳажмида "Янги ахборот технологиялари ва улардан таълимда фойдаланиш" курси ўтилмоқда. Курсда 2 соат ахборот технологиялари ҳақида, 2 соат компьютер қурилмалари ҳақида, 2 соат муҳаррирлар ҳақида маълумот берилса, 2 соат педагогик дастур воситаларидан фойдаланиш мавзусига бағишланади, холос. Бу етарли эмас, албатта. Бевосита "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" ўқув предметидан дарс берадиган ўқитувчилар учун мўлжалланган курс ҳақида ҳам шундай фикрни билдириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, таълимни компьютерлаштириш жараёнини энди тўхтатиш ёки орқага қайтариш мумкин эмас. Бу компьютерлаштириш ўз-ўзидан амалга ошади дегани ҳам эмас, албатта. Унинг ҳаракати таълим тизими билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган олимлар, ўқитувчилар, янги техника ва дастур таъминотини яратувчиларнинг фаоллашувини тақозо этади. Таълимни компьютерлаштириш бошқа педагогик қарашларни инкор қилмайди. Бироқ компьютернинг катта имкониятлари борлигини ҳам унутмаслик керак. Агар илмий асосланган педагогик дастур воситаларини тайёрлаш йўллари атрофлича тадқиқ қилинса, таълим субъектлари компьютер билан мулоқот қилиш маданиятини тўлиқ ўрганса, ёшларнинг таълим-тарбиясида улкан ютуқларга эришилади.

Анвар ҲАЙИТОВ,
Бухоро давлат университети "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНАЙЛИК

Test

Назорат устуни	Саволни ўқинг, жавобни савол жойлашган сатрнинг охирги устунидаги тестдан танланг, бунда битта чизиқчага битта сўз мос келиши керак, холислик мақсадида жавобни топгунга қадар биринчи устундаги жавобни ёпиб туринг	Жавобни назорат устунидан текширинг
тузилиш, ўрнатиш	Конституция лотинча (constitutio) сўз бўлиб, _____ ёки _____ деган маънони билдиради.	а) ҳуқуқ, давлат б) тузилиш, ўрнатиш в) ҳуқуқ, тузилиш
1990	Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясини тайёрлаш зарурлиги тўғрисидаги ғоя Олий Кенгашнинг _____ йил мартдаги биринчи сессиясида пайдо бўлган.	а) 1990 б) 1991 в) 1989
1992	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастлабки лойиҳаси матбуотда _____йил 26 сентябрда эълон қилинган.	а) 1991 б) 1990 в) 1992
ноябр	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси матбуотда иккинчи бор 1992 йил 21 _____да эълон қилинган.	а) август б) декабр в) ноябр
декабр	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 _____да қабул қилинган.	а) сентябр б) октябр в) декабр
демократик	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддаси “Ўзбекистон – суверен _____ республика” жумласи билан бошланади.	а) мустақил б) демократик в) ҳуқуқий
фуқаролар	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва _____ олдида масъулдир.	а) халқ б) давлат в) фуқаролар
дахлсиз	Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси ва ҳудуди _____ ва бўлинмасдир.	а) дахлсиз б) узлуксиз в) қонуний
истиқомат қилувчи	Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида барча ____ ____ миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.	а) истиқомат қилувчи б) доимий яшовчи в) вақтинча яшовчи
давлат	Ўзбекистон Республикаси қонун билан қўриқланадиган ўз ____ рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга.	а) халқаро б) маънавий в) давлат
бирдан-бир халқ	Халқ давлат ҳокимиятининг ___ манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ____ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.	а) доимий, халқ б) конституциявий, омма в) бирдан-бир, халқ бирдан бир,
энг муҳим	Жамият ва давлат ҳаётининг ____ ____ масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади.	а) энг муҳим б) ҳалқаро аҳамиятли в) фақат ички
фақат у сайлаган	Ўзбекистон халқи номидан ___ ____ ____ Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.	а) халқ қаҳрамони ҳамда а) фақат у сайлаган в) қонуний партия ҳамда
ижро қилувчи	Ўзбекистон Республикасининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ____ ____ ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади.	а) президент бошқаруви б) ижро қилувчи в) Вазирлар Маҳкамаси
хилма-хиллиги	Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ҳаёти сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг _____ _____ асосида ривожланади.	а) хилма-хиллиги б) бир хиллиги в) қонунга бўйсуниши
ҳеч қайси	_____ _____ мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.	а) динга асосланган б) сиёсатга асосланган в) ҳеч қайси
олий қадрият	Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари _____ _____ ҳисобланади.	а) қонун ҳимоясида б) олий қадрият в) олий ҳуқуқлар
қонунийлик	Давлат ўз сиёсатини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва _____ принциплари асосида амалга оширади.	а) ҳақиқат б) қонунийлик в) барқарорлик
устунлиги	Конституциянинг 15-моддасида шундай ифодаланган: “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг ____ сўзсиз тан олинади”.	а) устунлиги б) адолатпарварлиги в) ошкоралиги

Конституция қонунлар	Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар _____ ва _____ билан қўриқланади.	а) Конституция, қонунлар б) қонун, фармонлар в) қонун, референдум
тили, дини	Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, _____, _____, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.	а) тили, дини б) ёши, миллати в) партиявийлиги, дини
ҳуқуқлари бурчлари	Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган _____ ва _____ билан ўзаро боғликдирлар.	а) ҳуқуқлари, бурчлари б) ишончи, эътиқоди в) мажбурияти, тобелиги
ягона	Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида _____ фуқаролик ўрнатилади.	а) кўп б) доимий в) ягона
айни пайтда	Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси ____ ____ Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.	а) қонунчилик асосида б) айни пайтда в) айрим ҳолларда
ўз фуқароларини	Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ____ ____ ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.	а) барча фуқароларни б) ўз фуқароларини в) демократик фуқароларни
халқаро ҳуқуқ	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари _____ _____ нормаларига мувофиқ таъминланади.	а) ички қонун б) улар танлаган в) халқаро ҳуқуқ
узвий жиноятдир	Яшаш ҳуқуқи ҳар бир Инсоннинг ____ ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир ____.	а) узвий жиноятдир б) қонуний, қилмишдир в) қонуний, жиноятдир
шахсий дахлсизлик	Ҳар ким эркинлик ва ___ ____ ҳуқуқига эга.	а) мутлақ хусусий б) шахсий дахлсизлик в) қонун қўриқлайдиган
қонунга асосланмаган	Ҳеч ким ___ ___ ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.	а) қонунга асосланмаган б) мажбурий равишда в) розилиги олинмаган
энг оғир	Инсон ҳаётига суиқасд қилиш _____ _____ жиноятдир.	а) ўлимга тенг б) энг оғир в) ваҳший мақсадли
ҳар ким	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасига кўра, ____ _____ эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.	а) Ўзбекистон фуқароси б) ҳар ким в) Сенат аъзолари
қамоқда сақланиши	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасига кўра, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки _____ _____ мумкин эмас.	а) қамоқда сақланиши б) туҳматга қолиши в) айбдор ҳисобланиши
ошкора, айбдор	Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, _____ кўриб чиқилиб, унинг айби тасдиқланмагунча у _____ ҳисобланмайди.	а) холис, айбдор б) ошкора қамалган в) ошкора, айбдор
қийноққа, тазйиққа	Ҳеч ким _____ солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги ____ дучор этилиши мумкин эмас.	а) қамоққа, тазйиққа б) қийноққа, тазйиққа в) қамоққа, айбловга
тиббий, илмий	Ҳеч кимда унинг розилигисиз _____ ёки _____ тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.	а) пулли, пулсиз б) тиббий, илмий в) вақтинча, доимий
дахлсизлиги	Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи ____ ҳуқуқига эга.	а) дахлсизлиги б) ҳимояланиши в) қўриқланиши
суверен	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасига _____ деган сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан қўшилган.	а) суверен б) демократик в) республика

Раъно ҲУСАИНОВА,
Тошкент юридик институти
3-курс талабаси

Mulohaza va taklif

АМАЛИЁТЧИ-ПСИХОЛОГЛАР ФАОЛИЯТИ:

уларнинг малакасини оширишда илғор педагогик технологияларнинг ўрни

Жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий техникавий тараққиёти ягона узлуксиз таълимни ташкил этишни тақозо этмоқда. Таълим-тарбияни юқори босқичга кўтаришда мактаб амалиётчи-психологларининг роли ниҳоятда муҳимдир. Мактаб психологи ёш авлодга таълим ва тарбия бериш жараёнида уларнинг психологик ва ёш хусусиятларини билиши, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш, муомала қилиш маҳоратига эга бўлиши керак. Мактаб психологи ўз вазифасини пухта билиши ва ўз фаолиятини ҳозирги кун талаби даражасида олиб бориши учун ўз малакаси ва касбий билимларини ошириб бориши зарур. Шундай экан, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими тизимида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп карра такрорланади. Шу ўринда педагогик технология тушунчасига тўхталсак. Технология —доимий равишда зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутади. Педагогик технология — бу ўқитиш жараёнига ўзига хос бўлган янгича ёндашувдир. Ўқув жараёнини рўёбга чиқариш давомида турли ўқитиш услубларидан фойдаланишнинг муайян умумий меъёрларни белгиловчи йўлланма, гўёки қолип сифатида қараш мумкин.

Педагогик технология ғарб педагогика фани ва амалиётига дастлаб 1950-60 йиллардан бошлаб кириб келган. Шу кунгача олимлар томонидан педагогик технологиялар хусусида таъриф, тушунча ва изоҳлар жуда кўп билдирилган. «Технология» тушунчасига изоҳ берсак, у техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келди. Юнонча икки сўздан «Технос» — санъат маҳорат, малака: «Логос» — фан сўзларидан ташкил топиб «ҳунар фани» маъносини англатади. Технологик жараён ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган ҳолда амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутади.

70-80 йилларда АҚШда юзага келган педагогик технология оқими деярли барча ривожланган мамлакатларга тарқалди. АҚШнинг таниқли олимлари Б.Блум, Д.Кратваль, Н.Гранлунд, Ж.Куролл, Ж.Блок, Л.Андерсон ва бошқалар ҳаракати билан режалаштирилган натижаларга эришишни кафолатловчи такрорланадиган педагогик тузилмани ўз ичига олган педагогик технология ишлаб чиқилганди. 70-йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда ушбу тушунчанинг моҳияти янгича талқин этила бошланди. Масалан, япон олими Т.Сакимато томонидан «ўқитиш технологияси — бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси» эканлиги эътироф этилади. В.Т.Лихачев «педагогик технология — ўқитишнинг, таълимнинг шакллари, методлари, усуллари, йўллари, тарбиявий воситаларининг махсус йиғиндиси ва компановкаси (жойлашуви)ни белгиловчи психологик тартиблар мажмуаси; у педагогик жараённинг ташкилий-услубий воситаларидан иборат», дея таъкидлайди.

Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил қилади. Замонавий педагогик технологиялардан барча педагоглар хабардор бўлишлари зарур.

Мактаб амалиётчи-психологларининг малакасини оширишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш бугунги кунда таълим тизимидаги муҳим масалалардан бири деб айтишимиз мумкин. Чунки умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган амалиётчи-психологлар ёш авлод таълим-тарбиясидаги вазифаларни амалга оширишда асосий ўринда турадилар. Шундай экан, ана шундай психологлар малакасини оширишда қуйидаги илғор педагогик технологиялар юқори самара бериши мумкин:

— тренинг машғулотларини ўтказиш;
— амалий машғулотлар;
— гуруҳларда ишлаш;
— мунозаралар;
— савол-жавоблар;
— давра суҳбати;
— тингловчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш;
— ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил қилиш;
— ривожлантирувчи таълим технологиялари;
— ижодий қобилиятларни ривожлантириш;
— муаммоли, изланишли таълим методини қўллаш;
—ўз-ўзини ривожлантирувчи таълим методи.

Юқорида кўрсатилган илғор педагогик технологиялар таълимда қуйидаги натижаларни кафолатлайди:

— давлат таълим стандартлари бажарилади;
— педагогик малака, кўникма, маҳорат ортади;
— ижодий қобилият ўсади;
— олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати бор;
— тингловчининг шахсий масъулияти ошади;
— тингловчини мустақил мутолаага, фикр алмашув орқали ўз билими ва малакасини оширишга олиб келади;
— таълимнинг сифат кўрсаткичи кафолатланади;
—тингловчини ва ўқитувчини доимий изланишга, узлуксиз ўз устида ишлашга ундайди.

Хулоса қилиб айтганда, илғор педагогик технологиялар ҳозирги давр таълим жараёнини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқиши мумкин бўлган методлар тизимига айланиб бормоқда.

Тармиза ХУРВАЛИЕВА,
А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ аспиранти

РАҚАМЛАР ҲАМ ТИЛГА КИРАДИ

Меҳр билан йўғрилса ҳар сўз

Ўқитувчилик фидойиликни талаб қиладиган касб. Фидойилик эса жой ва макон танламайди. Бугун чекка қишлоқларда ҳам фарзандларимизни замон талаби руҳида тарбиялаётган жонкуяр ва фидойи устозлар талайгина. Янгиобод — Жиззах вилоятининг энг чекка туманларидан бири. Ана шу тумандаги 2-мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси Абдимўмин Қорабоев ҳам чин маънодаги фидойи ўқитувчилардан бири. А.Қорабоев салкам 35 йилдан бери ўқитувчилик қилади. Чўнтагидан ҳамиша елим халтага солинган бўр аримайди. Қаерда, қайси даврада бўлмасин, суҳбат мавзусини болаларга, мактабга буриш унинг жони дили. «Айримлар кучим кетиб, сочим мактабда оқарди» деган гапни шикоят тарзида гапирганларига чидай олмайман, — дейди Абдимўмин ака. — Мен эса сочим мактабда оқарганидан, шу кунларга етиб келганимдан беҳад мамнунман. Мактабга келсам қайтадан куч-қувват олгандек бўламан. Чунки умримнинг мазмуни, яшашдан мақсадим ҳам мактаб. Нима яхши кун кўрган бўлсам, бари мактаб туфайли.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонига биноан ўқитувчига «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилишининг боиси ҳам ана шу камтарлик ва ҳалол меҳнатнинг меваси бўлса не ажаб.

Яна бир жиҳат, домланинг дарсини ҳозирда турли касбда меҳнат қилаётган собиқ ўқувчилари сеҳрли эртакдек ҳали-хануз эслаб юришади. Биз ҳам домланинг 6-синфда математика фанидан бир соатлик дарсини кузатганимизда, шогирдлар эҳтироми бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қилдик.

Дарснинг мавзуси: Ўнли касрларни бўлишга доир (295-300) машқлар ечиш.

Дарснинг шиори: Ўйла, изла, топ!

Дарснинг мақсади: Ўқувчиларни ўнли касрлар устида бўлиш амали юзасидан маълум хулосаларга эга бўлиш, бехато ишлаш, математик термин ва тушунчаларни мукаммал ўрганиш, ўнли касрларнинг ҳаётдаги татбиқини тасаввур этиш ва масалалар ечиш босқичларида ундан унумли фойдаланиш, математика фанига бўлган қизиқишни янада ошириш.

Дарс усули: Интерфаол усул, «Ақлий ҳужум», кичик гуруҳларга ажратиш ва улар билан ишлаш, баҳс, муаммоли саволлар билан ўқувчилар фаоллигини оширишга ундаш.

Дарснинг жиҳози: Бўлиш амали ҳақида қоидалар, кичик карточкаларда тестлар, турли рангдаги халқачалар, ёғоч нарвонча ва 6-синф математика дарслиги.

Дарснинг бориши:

а) Ташкилий қисм: Саломлашиш, давоматни аниқлаш, синф тозалиги ва ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини аниқлаш;

б) ўқувчиларга бугунги дарснинг ноанъанавийлиги тўғрисида тушунча бериш. (Янги мавзу бир кун аввал ўқувчиларга эълон қилинган бўлади.)

Янги мавзу 3 та бўлимга бўлинди ва 3 та гуруҳга вазифа сифатида берилди.

1-гуруҳга — Ўнли касрни натурал сонга бўлиш.

2-гуруҳга — Ўнли касрни ўнли касрга бўлиш.

3-гуруҳга — 0,1 га, 0,01 га, 0,001 га бўлиш ва кўпайтириш.

1. Ўнли касрларни натурал сонга бўлиш.

Бўлиш амалини натурал сонларни бўлишда фойдаланиладиган усулда («бурчак» усулида) бажарамиз. Касрнинг бутун қисмини бўлиш тугагач, бўлинмаларнинг бутун қисмидан кейин вергул қўйилади. Ҳосил бўлган қолдиқлар навбат билан ўндан бир, юздан бир, ... улушларга майдаланиб бораверади. Масалан:

1-мисол.

```
 44,1 | 9
-36   | 4,9
  81
- 81
   0
```

```
 870,1 | 7
-7     | 124,3
  17
- 14
   30
 - 28
    21
  - 21
     0
```

```
 87,01 | 7
-7     | 12,43
  17
- 14
   30
 - 28
    21
  - 21
     0
```

2-мисол. 3,48:25=0,1392

```
 3,4800 | 25
-34     | 0,1392
  25
- 98
  75
 230
-225
  50
- 50
   0
```

Ўнли каср охирига 2 та 0 ёзиб қўямиз, бу билан касрнинг қиймати ўзгармайди. Юқоридаги қоида асосида бўлиш амалини бажарамиз.

2. Ўнли касрни ўнли касрга бўлиш. Ўнли касрни ўнли касрга бўлиш амалини бажариш учун энг аввало, ўнли касрни натурал сон ҳолига келтирамиз, яъни бўлувчи 1,3 ни 10 марта орттириб, натурал сон 13 ни ҳосил қиламиз. Бўлинувчини ҳам 10 марта орттирамиз.

Bir soatlik dars

3-мисол.

1,3 x 10 = 13 3,328 x 10 = 33,28. Демак,

3,328 : 1,3 = 33,28 : 13 = 2,56 33,28:13=?

амалини бажарамиз.

Шундан сўнг қуйидаги амал ҳосил бўлади.

```
 33,28 | 1,3
-26    | 2,56
  72
- 65
  78
- 78
   0
```

Сонни ўнли касрга бўлиш учун бўлувчидаги вергулни натурал сон ҳосил бўладиган қилиб ўнгга суриш ва бунинг натижасида бўлувчи неча марта ортган бўлса, бўлинувчи рақамдаги вергулни ҳам ўнгга суриш билан шунча марта орттириш лозим бўлади. Бундай усул ўқувчиларнинг амални бажаришда чалкашиб кетмаслигига имкон беради.

4-мисол.

3,5 : 0,04 = 350, : 0,04 = 350 : 4 = 87,5

3. 0,1 га; 0,01 га; 0,001 га... бўлиш.

Ўнли касрни 0,1 га; 0,01 га, 0,001 га ... бўлиш амалини бажариш учун бўлинувчидаги вергулни бўлувчида нечта 0 бўлса, шунча хона ўнгга суриш керак. Ўнли касрни 0,1 га; 0,01 га; 0,001 га бўлиб, уни 10 га, 100 га, 1000 га, ... кўпайтирамиз.

5-мисол.

1,6 : 0,1 = 16 1,6 : 0,01 = 160 1,6 : 0,001 = 1600

Шундан сўнг ўқитувчи янги мавзу сифатида ўнли касрларда бўлиш амалини бажаришга доир 295—300-машқларни вазифа сифатида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. Ҳар учала гуруҳдан биттадан ўқувчи чиқиб, машқ бажарди. Берилган топшириқлар қуйидагича:

1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
252,24 : 12 =	45 : 4 =	36,48 : 12 =
Жавоб — 21,02	Жавоб —11,25	Жавоб — 3,04
Н.Мирзамуродова	И.Эсонов	З.Бобомуродова

Ҳар бир ўқувчи машқни бажариш жараёнида унинг ечимини топиш усулини шошмасдан, аста-секин тушунтириб беради. Рақамлар орасидаги вергулнинг ишлатилиши, 0 рақамининг қандай пайдо бўлганлигини изоҳлаб, жавобнинг тўғрилигини асослаб беради. Машқни тўғри бажариб, лекин уни ифода этишда адашса, гуруҳ ўқувчилари унга ёрдам тариқасида қўшимча изоҳлар беришди. Машқни тўғри бажарган Н.Мирзамуродова 3 балл, И.Эсонов 2 балл, З.Бобомуродова 3 балл баҳо олди.

Шуниси диққатга сазоворки, дарс давомида ўқувчилар ўзини-ўзи бошқариш усулида эркин ва фаол ҳаракат қилдилар. Ўқитувчи ҳам ҳар бир боланинг фаоллигини ошириш мақсадида қисқа, бир оғиз бўлса-да, ҳамма ўқувчининг гапиришига имкон яратишга ҳаракат қилади. Машқ бажаришда ёки фикрини баён этишда бироз адашган болага ўқитувчи: «Асло шошилманг, сиз ўтган дарсда бу мавзуни жуда яхши сўзлаб берган эдингиз, фикрингизни озгина жамласангиз, ҳаммаси ойдинлашади, деб далда берганда, ўқувчи ўзини янада эркин ҳис этиб, тўғри ва аниқ жавоб бера бошлайди. Машқ бажариш гуруҳлараро давом этиб, бироз толиқиш сезилиши билан ўқитувчи муҳитни янада соғломлаштириш, ўқувчилар фикрини жамлаш мақсадида «Ақлий ҳужум»га ўтади. «Каср нима? Ўнли каср нима? Ўнли каср билан оддий каср қандай фарқланади? Нима учун ҳаётда ва математикада ўнли касрдан кўпроқ фойдаланилади?» каби саволларга ўқувчилар тез ва равон жавоб қайтардилар.

Дарс ноанъанавий тарзда, интерфаол усулида олиб борилди. «Ўйла, изла, топ!» шиори ҳар бир ўқувчининг диққат марказида турди. Ўқитувчи кўпроқ кузатувчи-эксперт сифатида намоён бўлиб, машқ бажариш, мавзуни ойдинлаштиришда ўқувчилар фаоллиги яққол сезилиб турди. Айниқса, «Математика — фанлар отаси», «Математика — ақл гимнастикаси» мавзуси атрофидаги қисқа, лекин мазмунли савол-жавоблар мавзуни янада тўлдириш, дарснинг қизиқарли ва жонли ўтишига ҳисса қўшди.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчилар фаоллигига қараб ҳар бир болага алоҳида баҳо қўйиб, гуруҳнинг тўплаган балларини жамлаб, якуний баҳони эълон қилди. Унга кўра 1-гуруҳ 1-ўрин, 3-гуруҳ 2-ўрин, 2-гуруҳ 3-ўринга эга бўлди.

Ўқувчиларнинг бироз толиққанлигини назарда тутиб, «Кўз юмма» дидактик ўйини ўтказилди. Кўзи юмилган ўқувчилар нарвончага осилган рангли халқалардан «Ким кўпроқ йиғади?» ўйинида иштирок этдилар. Ўйин давомида озгина толиққан ўқувчилар ўзларини қайтадан тетик ва бардам сезиб, янада фаоллашдилар. Ўқувчилар сўзидаги журъат, кўзларидаги чанқоқлик кишининг ҳавасини келтиради. Рақамлар атрофидаги баҳс-мунозара, савол-жавобнинг ниҳояси йўқдек эди, назаримда. 45 минутлик муддатнинг қандай ўтганлиги ўқувчилар сезмай қолишди. Дарс-машғулот жараёнида рақамлар ҳам тилга киришиб кетгандек эди, гўё. Эҳтимол, бу ўқитувчининг болажонлиги, болаларга чексиз меҳрию дарсга, ўз ишига сўнмас меҳрнинг ифодаси бўлса не ажаб...

... Қўнғироқ чалиниб, танаффусдан дарак берганда ҳам ўқитувчисини қуршаб олган ўқувчилар ташқарига чиқишга асло шошилмасди. Ўқитувчи уйга вазифа сифатида «Ўнли касрларни бўлиш» мавзусини яна қайта ўқиб, 329, 330-машқларни бажариб келишни топширди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

OILADA MAʼNAVIY TARBIYA

Ўзбекистонда маънавий, ахлоқий, жисмоний соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада белгиланган барча режа ва тадбирлар буюк давлатнинг пойдевори бўлган маънавий баркамол, соғлом авлодга қаратилган. Шундай экан, инсон саломатлиги ва маънавий камолотининг биринчи пойдевори оилада қўйилади. Ўзбек халқининг оилада фарзанд тарбиялашдаги ўрни ва тажрибаси ўзга халқларга ўрнак бўлиб келган. Шу сабабли оилада маънавий-ахлоқий тарбия борасидаги масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Оила тарбиявий функцияларнинг абадийлигини, авлодларнинг маънавий, ғоявий давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларни сақлаш ва шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Оила — жамиятнинг асосий ўзаги. Миллий истиқлол ғоясини одамлар қалби ва онгига сингдириш аввало оиладан бошланади. Иқтисодий фаровон, ахлоқий, маънавий, ғоявий-тарбиявий жиҳатдан соғлом бўлган оила негизидаги жамият ва давлат мустаҳкам бўлади. Бундан оилаларда комил инсон вояга етади, унинг туйғулари, тушунча ва дунёқарашида миллий истиқлол ғояси кенг томир отади.

Маънавий баркамол, соғлом ёшларни етиштириш мақсадимиз экан, бунга эришишнинг энг қулай йўли — аввало, ота-оналарнинг маънавий билимларини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва янги дунёқарашни шакллантиришдир. Бу эса, ота-оналардан фарзанд олдидаги, эл-юрт олдидаги маънавий бурчини тўғри англашни, оилавий муносабатлар доирасида миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг энг нодирларини турмушга сингдириш орқали болаларда миллий ғояга бўлган меҳр-муҳаббат уйғотишни, уларни мустақил фикрлайдиган кишилар қилиб тарбиялашни тақозо этади.

Tadqiqot

Ўзбек оиласи — кўп авлодли, яъни, бола онгида соғлом ғоя ва билимлар шаклланиши жараёнида оиланинг катталари — боболар, момолар, қариндош-уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удум шуни кўрсатадики, ота-она билан бирга бобо, буви ва қариндош-уруғлар оиладаги маънавий муҳитнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шундай экан, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, одамнинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Ота-оналарнинг маънавий савиясини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва замонавий фарзандлар тарбиялаш билан боғлиқ дунёқарашни шакллантириш ҳамиша долзарб вазифа бўлиб келган. Бинобарин, ота-оналик шундай масъулиятли вазифаки, унинг жамиятимиз манфаатига мос тарзда амалга оширилиши учун одам ҳам маънавий, ҳам ахлоқий, ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр бўлиши керак.

Оилада фарзанд баркамоллиги маънавиятга таянади. Маънавиятли оиладан ёвуз, сотқин, ҳар хил ёт ғояларга кўр-кўрона эргашиб кетадиган ёшлар эмас, аксинча ватанпарвар, эстетик дидли, фаросатли, меҳнатсевар, ақлодларимизнинг урф-одатларининг маънавий давомчиси, ўз ақл-идрокини ёвузлик қўлига тутқазмайдиган ва ўз ҳаёт мазмунини маънавиятнинг гултожи ҳисобланган иймон-эътиқод, инсоф ва диёнат билан безайдиган ва бошқарадиган ёшлар етиши чиқади.

Шу ўринда фарзандларни маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда оиланинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

— оилада соғлом муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнак бўлиши, фарзандларда ота-онасига, ватанига меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишни таъминлаш;

— фарзандларга чуқур ахлоқий билим асосларини бериш, маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишини таъминлаш;

— фарзандларга маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш;

— фарзандларда тежамкорлик ва ишбилармонликнинг маънавий-ахлоқий томонларини шакллантириш;

— санитария-гигиеник, экологик кўникмаларни сингдириш, диний; ақидапарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши тарбияни амалга ошириш;

— ота-она руҳий хусусиятларининг бирбирига уйғун келиши;

— оилада меҳнат тақсимотининг адолатли ташкил этилиши;

— оила аъзоларининг маълумотлилик даражаси;

— оила аъзолари ўртасида ягона ҳаётий мақсаднинг мавжудлиги ва бошқалар.

Биз оилаларда маънавий тарбиянинг савияси хусусида «Бугунги ўзбек оилаларда педагогик муҳит қандай?», «Оилаларда маънавий тарбия жараёни қандай олиб борилмоқда?» ва бошқа саволлар асосида оилаларда социологик сўровномалар ўтказдик.

Тадқиқот жараёнида ота-оналарнинг бола тарбиясига ажратаётган вақт тақсимотини ўрганишнинг социопедагогик усулларини ишлаб чиқдик. Маълум бўлишича, ота-оналар боланинг маънавий тарбияси учун жуда кам вақт ажратишади. Республикамизнинг Самарқанд, Андижон вилоятларида 261 нафар она ва 231 нафар ота билан ўтказилган сўров-суҳбатда уларнинг бола тарбиясига суткада ажратаётган вақтлари 7,2 фоиз, яъни, 21 дақиқани, якшанба кунлари эса, 9,6 фоизни, яъни, 35 дақиқани ташкил этиши аниқланди. Ота-оналар бўш вақтларининг қолган қисмларини томорқа ишлари, дам олиш, тўй-маъракага «гап», меҳмондорчилик, телевизор кўриш билан ўтказадилар. Оталарнинг бола тарбиясига ажратган вақти яна ҳам кам. Ота-оналарнинг маълумот даражалари юқори бўлишига қарамасдан, уларда якка ёки эр-хотин биргаликда дам олиш мотивлари болалар билан биргаликда фаол дам олиш мотивларига нисбатан ҳамон етакчилик қилмоқда. Сўралган ота-оналарнинг атиги 10 фоизи болалари билан дам олиш, театр, стадионга бирга боришар экан.

Ота-оналарнинг оилада фарзандлари билан мулоқотдан қочишлари ҳам бир муаммо. Улар фарзандлари билан кўпроқ дастурхон устида гаплашадилар, овқат еб ўтириб уларнинг ўқиш, ишлари ҳақида насиҳатўйлик қиладилар. Афсуски, бундай «тарбиявий суҳбатлар»да кўпроқ ўсмирлар томонидан содир қилинган (ота томонидан эслатилган) қусурларни эслаш ва «урушиб қўйиш»дан нарига ўтилмайди. Болалар билан эркин, тенг мулоқот, уларнинг келажагини биргаликда, дилкаш муҳокама қилиш жуда ноёб ҳол бўлиб, кам учрайди. Ота (баъзан она)ларнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиши оила тарбиясига маънавиятга, тарбиянинг таъсирчанлигига ва изчиллигига зарар етказмоқда. Китоб, журнал, газеталарни биргаликда мутолаа қилиш кам учрамоқда. Бундай ҳолатлар оилада тарбияланаётган фарзандларнинг маънавий тарбиясига салбий таъсир этиши барчамизга маълум.

Биз юқоридаги социологик тадқиқотларимизни умумлаштирган ҳолда оила аъзолари ўртасидаги, айниқса, эр-хотин ўртасидаги ўзаро соғлом муносабатларни эътиборга олдик. Ота-онанинг фарзандлари ўқишига, юришturишига, ишига бўлган тўғри муносабатлари нафақат бизнинг, балки, бутун Ўзбекистонимизнинг мафкуравий ишлари самарадорлигини оширади. Биз бугунги кунда асосий эътиборимизни масаланинг шу жиҳатларига қаратишимиз мақсадга мувофиқдир.

Ўйлайимизки, албатта бу ҳаракатларимиз маънавий-мафкуравий ишларимиз самарадорлигини таъминлайди. Оилада маънавий жиҳатдан етук бўлиб тарбияланган фарзандларимиз халқига фидокор, юртини, Ватанини севадиган инсонлар бўлиб етишади. Айнан мана шу ёшларда буюк маънавий сифатлар: иймон, эътиқод, ишонч, мардлик туйғулари шаклланган бўлади.

Хусниддин НОРҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

Ҳамма камчилик ва ёмон одатлар учун фақат қиз болани айблаш нотўғри. Назаримизда, қиз тарбиясидек нозик ва шу билан бирга масъулиятли вазифани бажаришда бувиларимиз бироз бўшашганлар. Боиси, кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга, муомала, пишир-куйдирда уста бўлиб кетган бувиларнинг бироз қаттиққўллиги ҳам борки, улар чизган чизиқдан унча-мунча қиз чиқа олмайди. Бувилар тарбияларан қизлар вазмин, сермулоҳазалиги билан ажралиб туради. Хўш, буви тарбиясининг яна қандай фарқли жиҳатлари бор? Келинг, шу ҳақда айрим фикрларни келтириб ўтайлик.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА:

— Бувилар тарбиясининг афзаллиги шундаки, улар тахминий эмас, синовдан ўтган нарсаларни ўргатади. Масалан, ёш оналар қизига қайнонангга жиловвингни бериб қўйма, қадрингни бил, деб ўргатса, бувилар, болам, ўзингга сал оғирлик қилсаям, сабр-қаноатли бўл, кўрпа-тўшакни кўтариб кетиш осон, қайтиш қийин, деб уқтиради. Сабаби, улар фақат бугун, эртани эмас, узоқни ўйлаб иш тутади.

Мухтарама УЛУҒОВА:

— Бувилар ўзининг бағринкенглиги билан ажралиб туради. Улар бирор нарса ўргатганда, уни ҳамма майда-чуйдаларигача эринмай ўргатади. Масалан, оддий кўча супуришни олайлик. Бир кун чала супурган набирасига бувиси тоза иш қилиш кераклиги, озодалик-да ғап кўп эканлигини эринмай гапириб беради. Ёш ота-она эса, узоғи билан икки марта айтади. Бажармаса, дарров бақиради, чунки уларда ҳар бир ишнинг оқибатини айтишга, биринчидан вақт йўқ, иккинчидан, асаби дош беролмайди.

Инсон ёши улғайгани сайин ҳамма ўйлагани тўғри эмаслигини, у ҳам хато қилиши мумкинлигини тушуниб боради. Тажрибалар одамни ақлли қилиб қўяди. Мен қилган хатони болам, набирам қилмасин, деган ниятда ҳар бир нарсанинг моҳиятини вазминлик билан тушунтирган бувилар ёшлар руҳиятини яхшироқ англайдилар.

Гулчеҳра УМАРОВА:

— Онаси ўстирган ва буви қўлида ўсган қизлар ўртасида фарқ катта. Бувисининг қизи бирон ишни айтмасигдан олдин қилади. Бироз келганида аввал нима қўйилишидан тортиб, меҳмонларнинг олдида қўп ўтирмасликкача яхши билади. Ёшларга бу нарсалар арзимас бўлиб кўринади, ваҳоланки, ҳаётнинг асоси арзимас нарсалардан бошланади.

Mulohaza

Дилдора ПЎЛАТОВА:

— Она қизининг баъзан издан чиқиб кетаётганини билса ҳам айтолмайди. Шунингдек, қизини аяб ҳамма ишниям буюра олмайди. Буви онага нисбатан қаттиққўлроқ бўлади. Яъни, дейлик, уй тутиш, бичиш-тикишда шошма-шошарлик билан чала иш қилишига қўймай уларни чиниқтиради. Набирасининг ҳар бир ҳаракатию юриш-туришини тергаб турганидан кейин қиз бола ҳам маълум қолипга тушиб қолади. Бир томондан буви набирасини ўзига мослаштириб олади. Яъни, уйида бувиси бор қизлар камдан-кам соч кесади, чегарадан чиқмай қийинади. Сабаби, улар доим назоратда. Бундай хонадонда ўсган қиз бувисининг талабларини бажаришга қўниккани учун ҳар қандай қийин вазиятга ҳам чидай олади.

Замира ҚОСИМОВА:

— Оилада ёши катта онахонлар бор хонадонда ўсган қиз оғир-босиқ, матонатли бўлиб ўсади. Боиси, бувилар камдан-кам урушадиган бўлади. Уларда ҳаётий тажриба ҳам, бола тарбияси билан шуғулланиш учун вақт ҳам кўп. Шунингдек, катта ҳаёт синовларини кўраверириб пишган буви набирасининг арзимаган шўхлигига жаҳл қилмайди. Ҳар қандай айб қилса ҳам ётиги билан тушунтиришга уларда сабр-тоқат етарли.

Бу буви тарбияси ҳақидаги хилма-хил фикрлар эди. Энди бувиларнинг ўзларидан сўраб кўрайлик-чи, улар ўз тарбия услублари ҳақида нима дейишаркин? Бир неча қизу набираларни ўстириб, вояга етказган 80 ёшли Маҳбўлиб болам қийналади ёки кампирларнинг нусхи урийқолади, деб қайнонага боласини беришни хоҳламайди. Аслида эса, катта авлод ўз фарзандларининг жамиятдаги фаол ўрин эгаллаши, ўзини тутиб олиши, дейлик, ишлаши учун шароит яратиб беради. Қолаверса, боланинг ишончли қўлдалиги, уйдаги келиннинг ҳам бемалол ишга, ўқишга боришига имкон беради. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, қайнота-қайнона билан яшайдиган ёш оила фарзандлар сонини кўпайтиришдан қўрқмайди. Боиси, уйда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, бемалол ишонса бўладиган ота-она бор. Ёш оиланинг мустақкам томир отишида бу катта омил бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, буни ҳамма ҳам ўз вақтида англаб етавермайди. Баъзан ёш келинлар тезроқ мустақил бўлишга интиладилар-у, алоҳида яшаш заҳматини чекиб кўргач, қайнотақайнонанинг қадрига етадилар. Чунки янги чақалоқ дунёга келганида ҳам, кейинчалик ҳам қайнона она сингари келингга ёрдам беради. Бола боқишда қайноналар келинга йўл-йўриқ кўрсатади. Буни ҳамма ҳам билмай, баъзан ҳаммасини ўзим қила оламан, деб калта ўйлайди.

Раъно МАҲМУДОВА:

— «Қайнона» деган ҳикоямда шу ҳақда ёзганман. Ҳикоя қаҳрамони Шоҳида ҳар куни ишдан келганида қайнонаси набиралариданам шикоят қилаверади. Шоҳидага бу ёқмайди. Қачон бундай тинчгина яшарканман, деб ўйлайди. Бир куни қайнонаси эрта билан қариндошиникига кетади. Ҳа, болалар ўзини эплашади, деб чиқирилган келин хато қилганини кечқурун англайди. Сабаби, биринчи маротаба қайнонаси уйни азонлаб тарк этиб, фарзандлари қаровсиз қолганди. Шу куни Шоҳиданинг ҳаёли уйда бўлиб ишда ҳам унуми бўлмайди. Шундагина у ўзи бақироқ, бўлар-бўлмасга ҳасрат қилиб тергайверадиган, деб ҳисоблайдиган қайнонасининг нақадар керакли, қимматли инсон эканлигини, оиласининг, турмушининг пойдевори эканлигини англайди.

Баъзан шундай бўладики, қайноналарнинг ўзи менга тинчлик керак, деб бола тарбиясидан ўзини олиб қочади. Боламни бақдим, ўзининг болаларини ўзи боқсин дейишади. Хўш, бугун бувиларимиз набира тарбиясидан бошқа қандай юмуш билан банд-лар?

— Илгари бизнинг тасаввуримизга буви деганда мажси-калиш кийиб, оқ рўмол ўраган аёллар келарди. Нафақага чиқсам, набира боқаман, деб орзу қилишарди. Ҳозир эса, бувиларимиз ҳам замонавийлашиб кетишдими билмадим, кўринишидан келин бўлгудек ороланган. Ташқи кўринишдаги ифода ички руҳиятни акс эттиради. Ҳозир бувилар набира боқиб уйда ўтиргандан кўра кўчада юришни яхши кўрадилар. Уларнинг борадиган тўйу, йиғинлари жудаям кўп, — дейди Насиба Зиёвуддинова.

БУВИСИНИНГ ҚИЗИ

«Ҳозирги қизларни кўриб бегонадан келин қилишга кўркасан одам». Аёлларнинг шу хилдаги гаплари тез-тез қулоққа чалинади. Умуман, бугунги кун оммавий ахборот воситаларида ҳам, жамоатчилик ўртасида ҳам қизларнинг тарбияси кўнгилдагидек эмаслиги ҳақида баҳс-мунозаралар бўлиб туради. Бунга қизларнинг ўта замонавийлашиб, баъзан чегарадан чиқиб кетаётгани сабабмикан?

Гап шундаки, ота-она бола-чақа, уй-рўзғор ташвиши деб юраркан, фарзандига кўп эътибор беролмайди. Она кундалик юмушларга ўралашса, ота тирикчилик ғамида бўлиб боласига етарли вақт ажратолмайди. Хўш, бугун давр шу шароитни тақозо этса, қиз тарбияси билан ким шуғулланади? Эртанги уй бекаси, ғамхўр она бўлғуси қизларга ҳаётий сабоқларни ким бериши керак? Нега қизларнинг ўзгариб кетгани ҳақида бот-бот гапирилаётган бўлса-да, сезиларли натижа бўлмаяпти.

Ҳар бир бола ўзининг табиати, феъл-атвори, шунингдек, олган тарбияси, орқали нимагадир қизиқади, ихлос қилади. Унинг қизиқишига қараб ота-онаси боласининг дидини белгилайди. Аммо, қизиқиш билан дид бир нарсами? Уни ҳам қизиқиш сингари бир нарса ёки восита орқали пайдо қилиш мумкинми? Ёки дидни ҳам тарбиялаш керакми? Умуман, ҳар бир ота-она фарзандининг дидига қизиқадими? У билан ҳисоблашадими? Бу каби саволлар атрофида мулоҳаза юритиш, фарзандимизнинг рисоладаги инсон бўлиб етишишида дидининг аҳамияти қанчалик эканлигига ойдинлик киритиш, ўйлайимизки фойдадан холи бўлмайди.

Кексалар бола туғилмасидан олдиноқ, ҳали она ҳомиладор бўлган пайтдан унга яхши, чиройли нарсаларга кўпроқ қарашга, улардан баҳраманд бўлишга ундайдилар. Чунки туғилажак бола чиройли, ақлли, фаҳм-фаросатли бўлиши ният қилинади. Чақалоқлигида ҳам беланчаги ёки бешигини ёрқин ранглардан иборат буюмлар билан безатилади. Бу бир томондан, боланинг кўзи яхши нарсаларни кўриб, кувноиб катта бўлишига ишора. Иккинчи томондан, ушбу воситалар боланинг руҳияти, кайфияти ва дидига ижобий таъсир кўрсатиши кўзда тутилади.

Алла айтиш орқали ҳам маълум бир оҳангларнинг такрорланиши унинг қизиқишига, оҳангига қулоқ солишига сабаб бўлса, тарбияласа, бошқа тарафдан мусиқа болани тинчлантиради. Бу ҳолатларни ҳар бир ота-она яхши билади. Шу боис уни такрорлашга ҳожат йўқ. Фақат фарқ масаласи ҳам борки, бу ҳақда тўхталиш жоиз деб ўйлаймиз. Яъни, қизиқиш билан диднинг ўртасида фарқ бор. Уни кўпинча биз катталар ҳам ажратолмай қоламиз. Қизиқишлар дидни ҳосил қилади деб ўйлаймиз. Бироқ, аксинча бўлиши ҳам мумкинлиги, яъни дид, савия қизиқишларни пайдо қилиши ҳаёлимизга келмайди. Натижада ўзимиз билиб-билмаган, хоҳлаб-хоҳламаган ҳолда боламиздаги ҳолатни бошқа тарафга буриб юборишимиз мумкин. Кейин эса, болаликдан ҳар қандай ўзгаришга, айтайлик, кийиниш, овқатланиш, муомаласи, юришturиши, савияга нисбатан норозилик пайдо бўлади. Мисол учун, ҳозирда кўпгина ёш ота-оналар болаларига биринчидан, алла айтавермайди. Ухлатишга мўлжалланган қандайдир ноаниқ мусиқа кўйиларини ёки ҳар қандай мазмуни бўлмаган икки қатор сўздан иборат қўшиқ айтилади. Иккинчидан, аксарият шўх-шодон мусиқалар қўйилади. Чунки биринчи навбатда ота-оналар боласига эмас, ўзига ёқадиган куй-қўшиқларни танлайди. Боласи ҳам бора-бора шунга кўника бошлайди. Бу дидниг ўтмаслашишидаги илк омил. Демак, унга ота-она ҳам сабабчи. Фарзанди улғайганда шундай енгил-елпи нарсаларга қизиқади.

Кўпинча кексалар ёшларнинг мумтоз мусиқаларга, мақомларга қизиқмаслигидан шикоят қилишади. Бу ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Аввало уни қабул қиладиган дидни пайдо қилиш керак. Айтайлик, фарзандимизнинг мусиқага мойиллигини, иқтидорини англаб қолсак, дарров мусиқа мактабига олиб боramиз. Кўпинча ўрганиши ёки чалиши мумкин бўлган мусиқа асбоби — пианино (айниқса қизларда) бўлади. Чунки пианино клавишларида нотани яхши билган бола бемалол ҳар қандай мусиқа асбобини чалиши мумкин, деган қараш бор. Пианинода эса, миллий мусиқа намуналари камдан-кам ўргатилади. Мумтоз мусиқани-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Тўғри, боласини миллий мусиқа асбобларини ўрганишга берувчи ота-оналар ҳам бор. Лекин, жуда кам. Кўпинча ана шу камлик, қизиқишдан кўра ҳам, болқаларидан ажралиб туриш, жамоанинг эътиборига тушиш мақсадида ҳам бўлиши мумкин. Астойдил миллий мусиқани фарзандига ўргатишни ва шу орқали унинг дидини шакллантиришни орзу қилган ота-она қаторида ўргатган. Оилада мумтоз мусиқа ва қўшиқчиликка қизиқиш кучли бўлганлиги учун Ёқутхонда ҳам унга интилиш, миллий маданиятни тушуниш, қадрлаш устун.

Мамасобир аканинг мақсади қизини санъаткор қилиш эмас, балки, миллий мусиқа орқали қизининг дидини тўғри тарбиялаш бўлган. Ёқутхон жаҳон классик мусиқаларини ҳам севиб тинглайди. Замонавий мусиқалардан ҳам бохабар. Лекин, уларга тенгдошлари сингари муккасидан кетмайди. Ўртоқларининг ҳам уни эшитишларини таъбиий қабул қилади. Бир сўз билан айтганда, Мамасобир ака қизидаги дидни тўғри йўналтира олган. Бу Ёқутхоннинг қизиқишларига акс таъсир кўрсатгани йўқ. Аксинча, ўша қизиқишларга мазмун бахш этган, янада бойитган.

Ҳар биримизнинг фарзандимиз дастлабки ёшларда, айтайлик 4—10 ёшгача сурат чизишга жуда қизиқади. Бу пайтда ҳоғозлар қолиб деворларга, бошқа буюмларга, ҳатто чойшабларгача расм чизиб ташлайди. Қайсидир ота-она буни тўғри тушунади. Бошқаси нотўғри ўйлайди. Келажакда фарзандининг бошқа касб соҳиби бўлишини ўйлаб, уни бу қизиқишидан маҳрум қилади. Расм чизишни тақиқлаб, китоб ўқишга ундайди. Аммо, бу боланинг руҳиятига, шунингдек, дидига қаттиқ таъсир қилади.

Мутахассисларнинг фикрича, боланинг дидини тарбиялашда оҳанглар ва ранглар кўпинча самарали натижа беради. Чунки ҳар иккаласи ҳам санъат, одамнинг руҳиятига таъсир қилувчи эстетик, яъни нафис воситалар. Улар билан ошинолар келажакда яхши инсонлар бўлиб етишади.

— Ўғлим Жамшидда расм чизишга бўлган иштиёқни кўриб уни рассомчилик билим юртига ўқишга бердим, — дейди пойтахтлик Тўлаган ака. Аммо Жамшид мактабни битириб рассом бўлмади, бошқа соҳани танлади. Бундан отаси Тўлаган ака ранжимади, буни табиий қабул қилди. Мақсади ҳам аслида ўғлини санъатдан бохабар қилиш эди. Боладаги иштиёқни бўғиш, уни ривожлантирмаслик, уни бепарво, баъзан жоҳил қилиш билан бирга, фаоллигини сусайтиради. Ва энг муҳими, ҳар қандай иштиёқнинг орқага дид ётади. Уни тўғри тарбиялаш керак.

Дид ҳақида гап кетганда уни пайдо қилувчи восита сифатида санъатга (қандай тури бўлишидан қатъи назар) кўп мурожаат қилинади. Бу бежиз эмас, албатта. Кимдир мусиқа тинглайди, кимдир китоб ўқийди, кимдир рақс тушади ва яна кимдир сурат чизади. Бундай ҳолатни тўғри қабул қилишлари учун эса, ота-оналарнинг ўзлари санъатни яхши тушунишлари лозим, назаримизда. Шу ўринда қишлоқ шароитида яшашимизга қарамасдан қизалоқлигимда рақсга бўлиш иштиёкимни сўндирмай ўзи қарши бўлишига қарамай мени рақс тўгарагига берган отамни бугун тушунгандайман. Лекин, рақсга бўлмадим. Агар ўша пайтда отам менга рақс тушишни умуман тақиқланда нима бўларди—дидининг ўсишига биринчи болта урилларди.

Катталар ёшларнинг табиати, феъл-атворидаги, кийинишги, муомаласидаги ўзгаришлардан қониқиш ҳосил қиладиларми? Аксарият ҳолларда бунда ижобий жавоб олмаймиз. Демак, бунга маълум маънода уларнинг ҳам ҳиссаси бор. Умуман, ота-она сифатида биз фарзандларимизнинг дидига қизиқмаймизми, улар билан ҳисобламаймиз? Фикримизча, ҳамма гап ана шундан бошланади.

Назира ҚУРБОН қизи,
«Ma'rifat» мухбири

КОМПЬЮТЕР ТАРОЗИ ПАЛЛАСИДА

Бугунга келиб компьютерларсиз бирор-бир иш қилиш мушкул бўлиб қолмоқда. Чунки, компьютер шунчалик тез суръатда ривожландики, уни таърифламоққа бирор сўз топиб айтиш, қийинлиги ўхшамоқда.

Тарозининг икки палласи бўлганидек, биз ҳам компьютернинг фойдали ва зарарли томонларини эътироф этиш ниятидамиз. Тарозининг бир палласи кўпинча оғирроқ келади. Шу тарозининг оғир палласига кўпчилик салбий томондан қарашади. Аникроғи, фойдали нарсалар зарарли нарсалардан камроқ бўлади дейишади. Шу сабабли тарозида енгил палла вазифасини яшиллиқлар эгалласа, оғир палласини ёмонликлар эгаллайди. Юртдошларимизнинг ҳозир компьютер тўғрисидаги фикрлари тарозининг оғир палласига тўғри келяпти. Яъни, компьютер ёшларга, келажак авлодга ёмон таъсир этмоқда, дейишмоқда. Енгил палласига эса, компьютер ҳақида ижобий фикрларни айтаётганларни мисол тариқасида олишимиз мумкин. Мулоҳазаларимни айтишдан аввал тарозининг қайси палласидан бошлашни ўйлаб қолдим. Мен ёмон томонидан бошлаб яхши томони билан тугатмоқликка аҳд қилдим. Ҳаётда ҳамма нарсани яхши томони билан тугатмоқликка ўрганганлигим сабабли шу йўлни тутдим.

Компьютернинг салбий томонлари ҳақидаги гап, энг аввало, ёшларнинг вақти ҳақида кетади. «Вақтинг кетди, нақдинг кетди» деган мақол халкимиз орасида кенг тарқалган. Компьютер билан ишлаётган инсоннинг, энг аввало, олтиндан қиммат вақти кетади. Кейинги зарарли томонларига тиббиёт томонидан қарайдиган бўлсак, кўз оғриғи, бош оғриғи каби касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса ўз навбатида молиявий зарарга олиб келиши тайин. Яна зарарларидан бири, компьютернинг ёшлар онгига таъсиридир. Китобдардаги, мактабларда бериладиган дарслардан кўра компьютер ўйинлари ёшлар онгига шу қадар тез ўрнашиб қолдики, бунинг зарарини тасаввур этиш шийин. Кўп кузатаман, болалар мактабга боришдан аввал ҳеч бўлмаса бир соат компьютер ўйнаб кетишади. Дарслардан кейин ҳам компьютер хоналарида навбат кутиб ўтиришади. Менга шуниси алам қиладики, ҳали мактабга бормайдиган, боғча ёшидаги болалар ҳам компьютер ёнидан жилишмайди. Уларнинг ота-онаси фарзандларига берган пулларини нимага сарфлаётганига қизикмасмикинлар?

Кетган пулни топиш мумкин. Лекин маънавий зарарни ким қоплайди? Ёшларнинг кўнчилиги чет эл хонандаларининг клипларини ва хукуксиз фильмларни компьютер орқали кўришмоқда. Уларни кўриб ёшлар машҳур чет эл хонандаларига тақлид қилишяпти. Шу боис, кўпгина юртдошларимиз компьютер таъсирини салбий баҳолашмоқда.

Ок ва қора, савоб ва гуноҳ сўзлари бирга ёнма-ён юрганидек, ёмондан сўнг яхши ҳақида гапирмасак бўлмайди. Тарозининг иккинчи—енгил палласи ҳақида гап кетаркан, кўпгина ёши катталар бизнинг олдимизга китоб, бир эдик, ҳозирги ёшлар компьютер рус ёзувида алланималар билан машғул бўлишади, дейишади. Ўша алланималар ҳақида айтсам, бу нарсалар интернет ёки фойдали программалар бўлиши мумкин. Интернет юртимизга 1997 йилда кириб келишига қарамай тез суръатда ривожланди. У кўп кишиларга ёқди ва одамлар ундан доимий равишда фойдаланмоқдалар. Интернет бизга кўп нарсаларни ўрганишимизга имкон яратиб берди. Дунёнинг истаган жойидаги инсон билан «E-mail» ёки «Chat» орқали мулоқотда бўлиш бахтига муяссар бўлдик. Ва интернет орқали дунёнинг катта-катта кутубхоналарига кириб, хоҳлаган китобимизни ёки маълумотни ахтариб топиш имкониятини қўлга киритдик. Дунёдаги барча турдаги янгиликлардан интернет орқали тез ва осон хабардор бўлишимиз мумкин. Интернет бизга яна чет мамлакатларнинг тарихи ва ҳозирги ҳаётини билишга, компьютерда ишлаш имтиҳон топшириб, чет мамлакатларда ўқиб келишимизга кўмаклашди. Интернетда яна бошқа кўплаб хизматлар бор. Мен ҳозир компьютернинг интернет билан боғлиқ фаолитингина айтиб ўтдим, холос. Компьютернинг бундан ташқари бошқа хизматлари ҳам жуда кўп. Ёши, албатта, офис, фирма, банк ва давлат муассасаларидаги кишилар яхши билишади. Фикрларим якунида шуни айтишни жоиз деб билдимки, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмиш ёшлар компьютернинг яхши жиҳатларидан унумли фойдалансалар, албатта, у ўз самарасини беради.

Шаҳобиддин ЖАЛОЛОВ,
Тошкент молия институти талабаси

Fikr

ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ ДИДИНИ БИЛАСИЗМИ?

Одатда оилада фарзанд дунёга келгандан бошлаб яхши ният қилинади. Унинг келажакда одамларга нафи тегадиган, ота-онасига меҳрибон инсон бўлишини хоҳлаймиз. Бутун диққат-эътибор ана шу озгу мақсадга қаратиладиган. Болани, аввало, яхши едириш, кийинтириш, тарбия бериш хайрли ишлар саналади. Ҳар бир боланинг характери, феъл-атвори, соғлиги, диди, мижозини ҳаммадан ҳам кўпроқ ана шу жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилади. Боланинг соғлом ўсиши, юриш-туришидан ташқари унинг қизиқиши, нима билан банд бўлиши ҳам назардан четда қолмайди. Кўпинча уларга ёқадиган нарсаларга изн берилиши, тушунишга ҳаракат қилиш, ёқмаганларини қатъий равишда тақиқлаш, ёки ёқтирмаган нарсани ҳадеб уларга рўбарў қилмаслик тарбиянинг битта унсури саналади. Ҳатто, сал каттарок бўлганда болага илгари қўйган талабларни камайтирамиз, бироз эркинроқ ҳам кўямиз ёки ҳамма нарсани ўзининг қизиқишига ҳавола қиламиз.

Зуҳра БОБОХЎЖАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Darslikning yangi nashri shaklan va mazmunan jiddiy boyitilganligi olim rahbarligidagi ijodiy jamoaning samarali ishlaganligidan dalolat beradi.

Kitob javoningizga

МАЪРИФАТПАРВАР ОЛИМ ТУҲФАСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари доктори, профессор, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Асқар Зуннуновнинг педагогика фани равнақи йўлидаги хизматлари таҳсинга сазовор. Устоз мураббий сифатида элга, маърифат оламига танилган, илмий-педагогик фаолияти билан ном чиқарган Асқар Зуннунов ҳақида кўплаб рисола ва мақолалар ҳам ёзилган. Таваллудининг 90, илмий-педагогик фаолиятининг 70 йиллигини нишонлаш арафасида турган маърифатпарвар олим 40 дан зиёд монография, дарслик ва қўлланмалар, 150 дан ортиқ илмий-услубий мақолалар муаллифидир.

Мустақилликдан сўнг олим ўрта махсус ва олий ўқув юртлари учун миллий педагогика тарихи бўйича бир қатор қўлланма ва дарсликлар яратишга муваффақ бўлди. "Донишмандлар тарбия хусусида", "Халқ педагогикаси — инсон камолотининг асоси", "Ҳаёт — ибрат манбаи" каби китоблар фидойи ва жонкуяр олимнинг қизғин меҳнати самарасидир. Асқар Зуннунов раҳбарлигида тайёрланган "Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар" қўлланмаси, олий ўқув юртлари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун "Педагогика тарихи" дарсликлари миллий педагогика фанининг ривожланишида муҳим манба ва омил ҳисобланади.

Педагогика фанининг отахони деб эътироф этилаётган олим томонидан "Педагогика тарихи" дарслигининг қайта ишланган иккинчи нашри яқинда "Шарқ" нашриётида босмадан чиқди. Олий ўқув юртлари учун мўлжалланган "Педагогика тарихи" дарслигининг илк нашри ("Шарқ", 2000) 13,6 босма табоқ бўлса, янги нашр 22,2 босма табоқдан иборат. Дарсликнинг янги нашри шаклан ва мазмунан жиддий бойитилганлиги олим раҳбарлигидаги ижодий жамоанинг самарали ишлаганлигидан далолат беради. Дарслик сўз боши, икки қисм (12 боб), боблар бўйича савол, топшириқ, реферат мавзулари, хотима ҳамда адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Сўз бошида янгича мазмун ва шакл кашф этган ҳамда ривожланаётган "Педагогика тарихи" фанининг аҳамияти ҳақида профессор Р.Қосимов мухтасар ҳамда пурмаъно фикр юритган.

I қисм "Марказий Осиёда педагогик фикр" деб номланади ва 8 бобдан иборат. Дастлабки бобда "Алпомиш" ва "Манас" достонлари мисолида Марказий Осиёдаги ижтимоий ҳаёт ва тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

II-боб "Марказий Осиёда VIII-XIII асрларда ижтимоий ҳаёт, маданият, таълим-тарбия" деб номланган. Бу бобда исломда таълим-тарбиянинг ўрни масаласига алоҳида эътибор берилган. Таниқли муҳаддислар Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизийнинг ҳадислари ҳамда машҳур алломалар Абу Носир Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар аз-Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳаёти, илмий-маърифий фаолияти ахлоқ-одоб, илм-маърифат ва педагогик таълимоти алоҳида-алоҳида ёритилган.

Маълумки, XIV-XV асрларда Марказий Осиёда маданият, мактаб ва таълим-тарбия ишлари юқори поғонага кўтарилди. Бу юксалишда

Темур ва темурийлар сулоласининг хизмати беқиёслиги ҳаммага маълум. III-бобда ушбу даврдаги маданият ва таълим тарбия масалалари Муҳаммад Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Жалолиддин Давоний, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маданий-маърифий фаолияти ва адабий мероси тимсолида очиб берилган.

Кейинги бобда XVI-XIX асрнинг 1-ярмидаги ижтимоий ҳаёт, мактаб ва таълим-тарбия масалалари таниқли сўз санъаткорлари Комил Хоразмий, Мунис Хоразмий, Нодира, Огаҳий, Бердақ, Абай Қўнонбоевларнинг асарлари мисолида талқин этилган.

Марказий Осиёда XIX асрнинг II ярмидаги ижтимоий ҳаёт, маърифат, мактаб ва таълим тарбия масалалари ҳам дарсликдан ўрин олган. Талаба Аҳмад Дониш, Фурқат, Дилшод Барнонинг илм-маърифат ва ватанпарварлик ҳақидаги қарашлари билан танишиши мумкин.

XX асрнинг биринчи ярмида ижтимоий ҳаёт, мактаб, таълим-тарбия масалалари анча ривожланган. Абдуқодир Шакурий, Исоқхон Тўра — Ибрат, Муҳаммад Шариф Сўфизода каби маърифатпарварларнинг таълим-тарбия соҳасида қўллаган илғор тажрибалари, янги усулдаги мактаблари, маданият ва маърифат ривожига қўшган ҳиссаларини ҳам дарслик муаллифлари моҳирона талқин этишган. Дарсликдан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Садриддин Айний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Элбекнинг маърифатпарварлик, таълим-тарбия, илм ва билим, инсонпарварлик ва миллатпарварлик ҳақидаги қараш ҳамда ғоялари анча салмоқли ўрин эгаллаган.

Умуман, "Педагогика тарихи" дарслигидаги бобларда даврлар кетма-кет ва босқичма-босқич берилган. "Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт, мактаб, таълим-тарбия, педагогик фикр ривожи" деб номланган VIII бобида республикада амалга оширилаётган таълим-тарбия жараёнига жиддий эътибор қаратилган. Айниқса, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида қилинаётган ўзгаришлар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти изчил баён этилган. Бу бобда педагогика фанига муносиб ҳисса қўшаётган олимлар Асқар Зуннунов, Малла Очилов, Шавкат Қурбонов, Муҳаммад Куроновнинг ижтимоий-маърифий фаолияти ҳамда таълим-тарбия ҳақидаги изланишлари, қарашлари ва ғоялари ўз ифодасини топган.

Дарслик яна шуниси билан аҳамиятлики, унда хорижий мамлакатларнинг педагогика илмига катта ҳисса қўшган аллома ва мутафаккирлари мероси ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Дарсликнинг сўнгида ҳар бир боб бўйича савол ва топшириқлар, реферат ва назорат ишлари мавзулари берилганки, бу талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилишида ҳамда билимини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, дарсликда педагогика тарихи, таниқли алломалар, шоирлар, ёзувчилар, устоз педагогларнинг таълим-тарбияга оид қарашлари ва ғоялари характерли мисолларда ёритилган: "Қуръонда илмга катта эътибор берилган. Бунга унда "илм" сўзининг 765 марта такрорланиши ёрқин мисолдир. Илмларни ўрганиш ҳар бир инсон учун фарздир. Илм ўрганишдан мурод мансаб эмас, аввал ўқиган илмига ўзи амал қилиб, сўнг халқ ва Ватан олдидаги бурчини адо этишдир" (26 бет).

Ўз вақтида чоп этилган муҳим дарслик — "Педагогика тарихи"да назаримизда, айрим камчиликлар мавжуд.

Хусусан, Ибн Синонинг "Таржимаи ҳоли" алломанинг номидан берилгани яхши, аммо унинг таълим-тарбияга оид қарашлари қайси асарларида акс этганлиги кўрсатилмаган.

Таълим-тарбия соҳасига катта ҳисса қўшган баъзи маърифатпарварлар ҳақида маълумот берилмаган: туркий халқларнинг чинакам жафокаши ва ифтихори бўлган Исмоилбек Гаспирали, самарқандлик маърифатпарварлар — Саидаҳмад Сидқий — Ажзий, Исматулла Раҳматуллаев; ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ("Ўтмишдан эртаклар", "Ёшлар билан суҳбат" асарлари ҳозир ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга); С.Макаренко, В.Сухомлинский, А.Э.Измайлов, М.Ф.Шабаев каби рус педагогларининг асарлари (танқидий равишда бўлса-да) ва XX асрнинг II ярмида фаолият кўрсатган баъзи ўзбек педагог олимларининг (К.Ҳошимов, С.Очилов ва бошқалар) педагогик қарашлари ҳақида қисқа маълумот бериб ўтилса, дарслик янада мукаммал бўларди.

Юқоридаги эътирозли ўринларга қарамасдан "Педагогика тарихи" ўзига хос ва муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асардир. Зеро, халқимизда шундай нақл бор: тарбия тақани тўғрилайди. Оддий қўл билан тақани тўғрилаб бўлмаслиги ҳаммага аён, бунинг учун махсус асбоб-ускуна ва тадбир керак бўлади. Бу дарсликда эса аждодларимизнинг бой тарбиявий мероси ўз ифодасини топган.

Маърифатпарвар олим Асқар Зуннунов раҳбарлигида тайёрланган ушбу дарслик педагогика тараққиётига катта ҳисса қўшган олимлар, ижодкорлар ва маърифатпарварларнинг ғоя ва таълимотларини ўзида мухтасар тарзда акс эттирган муҳим манба ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай даврда ҳам маърифатпарвар кишилар жамиятнинг равнақини белгилаганлар.

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,
академик

Oramizdagi odamlar

ОЛИМ

Муқаддима

Олимдан отаси сўради: "Дунёга келиб нима топдинг!?"

Олимдан дўсти сўради: "Дунёга келиб нима топдинг?"

Олимдан ўғли сўради: "Дунёга келиб нима топдингиз?"

Воқеан, отанинг сўроғида хавотир, дўстнинг сўроғида қиёс, ўғилнинг сўроғида талаб бор эди...

Олим узоқ ўйланиб қолди. Паришон нигоҳи ғарибона кулбаси, кулбанинг учдан иккисини банд этган китоб жавонлари аро кезинди. Саволнинг залвори оғир келди.

Зотан, кеча сўқир, кун бесамар, тонг бевафо эди...

Ницше айтган экан: "Умрим мазмуни буюк яратиқларга ҳомиладорликда. Ва мен тўлғоқ азобидан ҳаётим риштаси узилай-узилай деб турган лаҳзадагина яшайман".

ХАСБИ ҲОЛ

Баҳодир Саримсоқов бундан 60 йил аввал Андижоннинг Шаҳрихонида туғилган. Унинг отаси оддий, аммо зиёли-хизматчи эди. Адабиётга муҳаббати баланд эди. Шунданмикан, уларнинг уйларида китоб кўп бўлган. Бу хонадонда Бедилу Машраб, "Рустам"у "Чордарвеш" ўқилган. Шеърхонлик, қиссахонлик оҳангларидан сархуш бўлган узун тун кўп бор қуёшни қарши ололмай доғда қолган. Адабий мажлисларнинг аксарида шаҳрихонлик шоир Муллаҳошим Солиҳ ўғли Ҳайратий иштирок этган.

Бўлажак олим шундай оила муҳитида шаклланди. Мактабда яхши ўқиди. Шеърлар, ҳикоялар машқ қилди. Айниқса, мутолаа унинг жону дили эди. У болалигидаёқ шовқиндан сукунатни, сўзамолликдан камгапликни маъқул кўрарди. Хаёлчан, камсуқум бола эди. Ўн уч ёшида онасидан ажради. Хаёлчанлик ўрнини ғамгинлик эгаллади.

Олимнинг "Бадиийлик асослари ва мезонлари" китобида Миртемирнинг "Онагинам" шеъри ўзгача бир эътибор билан таҳлил этилгани бежиз эмас. Тўғрироғи, бу олим армонларининг бир қатраси, холос. Алҳол, қатрада уммон акс этса, не ажаб. "Тамакининг аччиқ тутуни киши димоғида дарҳол йўқолмайди, бадбахтлик туни — оғир ва фожиали туннинг фақат тонг пайтида тарқалиш ўрнига яна қайтадан таралиши сингари она меҳрига қона олмаслик дарди, унга садоқат билан хизмат қила олмаслик армони ҳам ниҳоятда оғир, аянчли қисматдир", деган сўзларни ўқиймиз "Онагинам" шеъри таҳлилида.

Олим таржимаи ҳолининг расмий ҳужжатлардаги шакли:

Б.Саримсоқов 1963 йили Фарғона давлат педагогика институтига ўқишга кирди. 1963-1966 йилларда Кавказда уч йиллик ҳарбий хизматни ўтади. 1970 йили ўқишни тугатиб ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим лавозимида иш бошлади. Институтда Ҳоди Зариф каби йирик олимлар билан ҳамкор бўлди. Уларнинг тарбияларини олди. 1937 йилда "Ўзбек адабиётида сажъ" мавзуида номзодлик, 1987 йилда "Ўзбек маросим фольклори" мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

ИЛМ

Олимнинг олимлиги у яратган асарларнинг сони билан эмас, илмий ракурсининг кўлами ва сифати билан белгиланади. Айни нуқтаи назардан Б.Саримсоқов илмий фаолиятини қуйидагича таснифлаш мумкин:

*1. **Фольклоршунослик ва фольклор назарияси.** Олимнинг биринчи мақоласи 1970 йили "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида чоп этилган. Мақола қасқача "Сажъ" деб номланади. Ушбу мақола 1973 йилда ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясининг чизгилари эди. 80-йилларда олимнинг фольклористик ижод генезиси, бадиият тизими ва жанрлари поэтикасига доир "Ўзбек маросим фольклори" асари дунёга келди. Олимнинг ўзбек фольклори масалаларига бағишланган ўнлаб рисола ва мақолалари, албатта, бирор жиддий оригинал илмий муаммога қаратилган. Хусусан, "Фольклор ва адабиёт муносабатлари масаласига доир", "Фольклоризмлар типологиясига доир", "Халқ мақоллари ҳақида", "Театр санъати ва фольклор", "Қадимги давр фольклори", "Ўзбек фольклорининг ижодий методларини ўрганиш масаласи", "Ўзбек фольклорининг жанрлар состави", "Эпик жанрлар диффузияси" каби қатор тадқиқотлари том маънода ўзбек фольклоршунослигида юзага келган янгича назарий талқин эди.*

Шунингдек, Б.Саримсоқов "Юсуф ва Аҳмад", "Иброҳим Адҳам қиссаси", "Абу Муслим жангномаси", "Нурали" каби халқ китоблари, кўплаб мақол, матал ва лофларни тўплаб нашр эттирган.

*2. **Мумтоз адабиёт тарихи ва поэтикаси.** Б.Саримсоқовнинг бу мавзуга доир тадқиқотлари унчалик кўп эмас. Бироқ, бу йўналишдаги ҳар бир тадқиқот мумтоз адабиёт поэтикасига доир муҳим муаммоларнинг академик талқини ўлароқ намоён бўлади.*

Олим ўзбек мумтоз шеъриятида байт, қофия, радиф, композицион ўзига хосликлар ҳақида мақолалар эълон қилган. Навоий шеърияти мисолида ғазал-мулоқот феномени, унинг шакллари, поэтик тизими муаммоларини тадқиқ қилган. Олимнинг бу йўналишдаги кейинги мақолаларидан бири "Навоий ва шеърий мезонлар масаласи" деб номланади.

*3. **Адабиёт назарияси.** Б.Саримсоқов ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим ҳодиса экани муқаррар бўлган уч томлик "Адабиёт назарияси" академик нашрининг раҳбари ҳисобланади.*

Б.Саримсоқовнинг "Адабий турлар ҳақида мулоҳазалар", "Тўртинчи адабий тур" каби мақолалари бадиий адабиётда анъанавий лирик, эпик ва драматик турлардан ташқари паремия деб аталувчи тўртинчи адабий тур мавжудлигини асослашга қаратилган. Мазкур назарий муаммо ўзбек адабиётшунослигининг бевосита жаҳон адабиётшунослиги миқёсига кўтарилаётганидан дарак беради.

*4. **Адабий жараён муаммолари.** Олимнинг ҳаракатдаги адабий жараёнга бағишланган мақолалари ҳам катта салмоққа эга. Хусусан, "Муҳаббатга фидо шеърият", "Лирикада бадиий тафсил", "Абсурд маънисизликдир", "Шеъриятда файласуф, фалсафада шоир" каби тадқиқотларида адабий жараёнга доир энг долзарб муаммолар хусусида сўз юритилган.*

Булардан ташқари, Б.Саримсоқов кўплаб ўқув дарсликлари, дарслик-мажмуаларининг ҳам муаллифидир.

УСЛУБ

Олим ҳақида чин гапни унинг услуби айтади. Услуб олимнинг руҳияти, сийрати, бутун борлиғи.

Истеъдодли ёзувчи бадиий воқелик оҳангини бехато топганидек, Б.Саримсоқов ҳар бир илмий муаммонинг хос оҳангини топа олади. Унинг услуби мураккаб услуб. Илло, катта фикрлар жўн услубни тан олмайди. Бу услубга бир сўз билан "фикрлар оқими", дея таъриф бериш мумкин. Бу услуб тафаккур мулкининг асл фуқаролари учунгина мазмун-моҳият касб этади.

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

Maktabgacha ta'lim

«ДАР ОЛАМИ АФСОНАҲО»

Бойсун туманидаги «Шодлик» мактабгача таълим муассасаси бундан икки йил муқаддам Дарбанд ширкат хўжалигидан туман халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилган экан. Муассаса анча вақт фаолият кўрсатмаганлиги сабабли уни таъмирлашга ва қайтадан жиҳозлашга тўғри келган. Талаб қилинган ишлар бажарилгач, мана ҳозир «Шодлик» ўз қучоғига Дарбанд қишлоғида истиқомат қилаётган тожик миллатига мансуб фуқаролар-

нинг 30 нафардан ортиқ жажжи фарзандларини қабул қилиб олди...

Теварак-атроф супуриб-сидирилган, топ-тоза. Ҳовлидаги ўриндиқларда қалдирғоч болалари мисол тизилиб ўтирган бир гуруҳ кичкинтойларга боғча опа эртак айтиб бераяпти. Кичкинтойлар бизни бараварига «Ассалому алайкум! Хуш омадед!» дея кутиб олишди.

Болалар билан, «Шодлик» муассасасининг мудираси Бодом Маҳматқулова билан суҳбатлашдик. Кичкинтойлар ўзаро ўз она тилларида гаплашсалар-да, ўзбек тилини ҳам яхши билар эканлар. Жажжигина қизалоқ бизга ширингина талаффуз билан юртимиз мадҳиясини ўзбек тилида айтиб берди.

Хоналарни айландик. Мана, катта гуруҳ хонасидамиз. Ушбу хонани гуруҳ тарбиячиси Сарварахон Алимардонова жиҳозлаган. Тан олиш керакки, Сарварахоннинг билими ва тажрибаси, қолаверса, дидининг нозиклиги ҳам хонанинг жиҳозланишидан кўриниб турибди. Машғулотлар хонасида ташкил этилган бир қатор бурчаклар диққатимизни ўзига тортди.

«Гўшаи падару модарон» («Ота-оналар бурчаги»), «Гўшаи табиат» («Табиат бурчаги»), «Гўшаи ИЗО» («Қўл меҳнати бурчаги»), «Гўшаи чисмоний» («Жисмоний тарбия бурчаги»), «Гўшаи китоб» («Китоблар бурчаги») каби бурчакларнинг жиҳозланиши ва безатилишида ўзига хосликни кўриш мумкин.

«Дар олами афсонаҳо» бурчаги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Бу бурчак «Эртаклар оламига саёҳат» деган маънони билдирар экан. Ушбу бурчакда кўплаб тожик ва ўзбек эртакларига мос саҳна кўринишлари тасвирларда ишланган. Бу ўйинчоғу қўғирчоқлар бир-биридан гўзал. Ҳар бир кўргазмада «митти-митти» топ-қирликлар бор. Бу бурчак нафақат кичкинтойлар, қолаверса, катталар учун ҳам жуда қизиқарли тарзда ташкил этилган.

«Шодлик»да тарбияланувчиларнинг дам олиши, ётиб ухлашлари ва овқатланишлари учун ҳам кўнгилдагидек шарт-шароитлар яратилган.

Бойсун туманининг чекка бир тоғли Дарбанд қишлоғидаги «Шодлик» мактабгача таълим муассасасида амалга оширилаётган ишлардан кўнглимиз тўлгандай бўлди.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

Қачонки болага яхши шароит яратилсагина у ўйнаб, ўйлаб ҳаётини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилади. Ўйинчоғу қўғирчоқларнинг кўплиги шароитнинг яхшилиги бўлса, уларнинг яратилиши, ясалиши ҳақидаги маълумотлар болаларни қизиқтириши табиий.

Суратларда: *1.Чироқчи туманидаги «Лола» болалар боғчаси тарбиячиси Инара Ярқулова навбатдаги машғулотда.*

2. Муассаса мудираси Насиба Зиёдова ўзлари ясаган ўйинчоқларининг сифатини текширишмоқда.

Б. РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

Kattalar ta'limi

АНДРОГОГИКАДА ЯНГИЛАШ ВА ЯНГИЛАНИШ ДАВРИ

Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, ҳар бир ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларига монанд ёндашувлар, методлар, воситалардан фойдаланиш тақозо этилади. Фарғона ВПХҚТМОИда ҳам таълим сифатининг педагогик кафолатига қаратилган илмий тадқиқот, методик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги педагогик технологиялар лабораториясида малакали мутахассислар Ҳ.Тўхтарова, З.Маматқулова ва бошқалар энг сўнгги ютуқларни фанлар кесимига жорий этиш борасида муайян ишларни амалга оширишди.

Таълим сифатини кафолатлашда илғор хорижий тажрибаларни таҳлилий-танқидий ўрганиш ва мувофиқларини амалиётга жорий этиш эътиборга моликдир. Айнан шунинг учун ҳам институт доценти, 8—9-синф инглиз тили дарслиги муаллифларидан бири Ҳ.Тўхтарова фаолияти ибратлидир.

Таълим-тарбия тизимидаги юксак тараққиётга муносиб равишда Фарғона ВПҚТМОИнинг Буюк Британия ваколатхонаси, Польша МО маркази, Германиянинг таълимни ривожлантирувчи ташкилоти билан илмий-услубий, амалий ҳамкорлик алоқалари ривожланаяпти.

Лабораториянинг педагогик аксиология йўналишида тўпланган янгиликлари орасидан Ўзбекистон мактабларига, ўқитувчи ва ўқувчиларга самарали таъсир этувчи, эркинлик, ижодкорликка йўналтирувчи усуллар танланди. Булар: "Музёрар", "Ақлий ҳужум", "Синквейн", "Кластер", "Венн диаграммаси", "Кичик гуруҳларда ишлаш", "Дебат" кабилардир. Бу терминлар андрогоглар луғат бойлигидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида "андрогогика" (катталарни ўқитиш) орқали педагогика (болаларни етаклаш)га бўлган йўналишнинг такомиллашуви, узвийлик касб этиши умумтаълим мактабларида ўқувчилар билим даражаларини юксалтириб, халқ таълими тизимида сифат ўзгаришларини ҳосил қилади.

Педагогик праксология йўналишида ўқитувчилар томонидан маъқулланган усулларни амалиётда қўллаш режалаштирилган бўлиб, бу мактаблар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Тажрибалар Фарғона шаҳридаги 15, 27, Қувасой шаҳридаги 6, Қўқон шаҳридаги 4, Бувайда туманидаги 1, Учкўприк туманидаги 7-мактабларда, Ўзбекистон туманидаги "Ғунча" номли гимназияларда ўтказилди.

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ПТ асосида ўтилган дарсларнинг анъанавий машғулотларга нисбатан самарадорлик коэффициенти 7-8 фоизни ташкил этди, яъни ПТ бўйича билимларни ўзлаштириш ўртача 90 фоиздир. Чунки технологиялаштирилган дарс шароитидаги маъруза, ўқиш, видео-аудио материаллар намойиш қилиш, гуруҳларда ишлаш, мунозарали диалоглар, билимни бошқаларга ўргатиш ва ҳаёт билан боғлаш жараёни нафақат МОҚТ тизимини, балки мактаб таълими самарадорлигини ҳам ошириш кафолатидир.

Институтимизда таълим ислоҳотларини изчил амалга ошириш мақсадида назарий билимларни амалиёт билан боғлаб ўтишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда малака ошириш жараёнида иштирок этмаган бир қатор таълим объектлари табиий фанлар кафедраси мудираси М.Пайзиева бошчилигида қайта тикланиб, дарслар бевосита шу жойларда ташкил этилмоқда. "География", "Йўл ҳаракати қоидалари"дан амалиёт майдончалари, шунингдек, тренерлар мактаби шулар жумласидандир. Бу мактабда Ўзбекистон, Охунбобоев, Риштон туманлари, Фарғона, Қувасой, Қўқон шаҳри ХТБларида "Катталарни ўқитиш тамойиллари", "Шахсга йўналтирилган таълим", "Таълимда инновациялар", "Мактабни ривожлантириш" лойиҳалари бўйича инновацион, интерфаол усуллар воситасидаги таълим шакллари йўлга қўйилганлиги ижобий самара бермоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тизимидаги малака ошириш ва мактаб таълим-тарбия сифати юксалишида қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши лозим:

— МОҚТ тизимида ва умумтаълим мактабларида инновацион гуруҳлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва ПТ амалиётини кучайтириш;

— таълим-тарбия муассасаларида ДТС бўйича ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар юзасидан интерфаол ўқувларни ташкил этиш ва тажриба алмашиш амалиётини кенг жорий этиш;

— мактаб, малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида таълим сифатини ошириш учун ҳамкорликдаги методик ишлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ўқув-услубий материалларни кўпайтириш;

— малака ошириш тизими ходимлари ва умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини таълим ислоҳотларига янгилик қўшувчи илмий тадқиқот ишларига жалб этиш;

— таълим муассасаларида моддий-техник базани юксалтириш учун ҳомийлар фаолиятини йўлга қўйиш;

— мактаб таълимини ривожлантириш дастурига биноан ўқув-режа ва дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар сифатини ДТС талабларига мослаштириш, қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш.

Бу омиллар таълим сифати ва самарадорлигини кўтаришга, ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Демак, бу умуммиллий давлат дастури ижросини ҳам таъминлайди.

Бобосодиқ ЛАТИПОВ,
Фарғона ВПҚТМОИ ректори,
педагогика фанлари номзоди,
доцент

Agar biz o‘quvchilarga suv haqidagi tushunchalarni, uning har bir tomchisini e’zozlash, har bir litr suvdan oqilona foydalanish, suv bitmas-tuganmas ne’mat emasligini, ayni kunlarda ko‘pgina davlatlar aholisi suvsizlikdan aziyat chekayotganligini singdirib borsak, ko‘pgina suv masalalari bilan shug‘ullanayotgan mutaxassislar aytayotgan ba’zi xavotirli taxminlarning oldini olgan bo‘lamiz.

СУВ ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАР

улар мактаб дарсликларига киритиладими?

**** 2025 йилга бориб дунё аҳолисининг учдан икки қисми қисман ва жиддий сув танқислиги сезиладиган мамлакатларда яшайди.***

**** Ер юзининг 71 фоизи сув билан қопланган, аммо...***

**** Ўзбекистонда бир киши бир кунда 750 литр сув сарфлайди, Германияда эса 250 литр.***

ЎзПФИТИ билан юртимизда фаолият кўрсатаётган ОБСЕ ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган икки кунлик илмий-амалий конференцияда сув ва ўқувчиларнинг сувга бўлган муносабатини шакллантириш масалалари ўртага ташланди. Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан келган ўқитувчилар ушбу семинарда баъзи фанлар дастурига сув тўғрисидаги соатларни киритиш ҳақида фикр алмашдилар.

Масаланинг бу тарзда, узоқни кўзлаган ҳолда қўйилишининг боиси нимада?

Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг учдан бир қисми сув заҳиралари етишмаслиги сезилмайдиган ёки қисман сезиладиган мамлакатларда яшайди. 2025 йилга бориб эса, дунё аҳолисининг учдан икки қисми мана шундай муаммо билан тўқнаш келади. Бу мамлакатларда сувнинг истеъмол даражаси қайта тикланадиган сув заҳираларидан 10 фоиз юқори. 1990 йилнинг ўрталаридан бошлаб дунё аҳолисининг 40 фоизи яшайдиган 80 га яқин мамлакат сув тақчиллигидан азият чекишни бошлаган. Дунёда 1,1 млрд. киши ёки жами аҳолининг 18 фоизи тоза сув олиш, 2,2 млрд. киши эса, канализация тизимларидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бу асосан Осиё ва Африка қитъасига тегишли муаммодир. Тоза ичимлик сувининг етишмаслиги ёки йўқлиги натижасида турли юқумли касалликлар пайдо бўлмоқда ва йилига 3-5 млн.дан ортиқ киши мана шу касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юммоқда.

Чучук сув муаммоси энг долзарб муаммолардан бири бўлишининг сабаби шундаки, ер юзининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса-да, ундаги чучук сув миқдори атиги 2,5 фоизни ташкил қилади.

Ердаги сувнинг умумий заҳираси 1385984610 куб км.ни ташкил қилади.

Жами сувнинг 96,5 фоизи ёки 1338000000 куб км. денгиз ва океанлар сувидир. Демак, мавжуд сувларнинг 96,5 фоизи шўр сувдан иборат.

Ер остидаги ва устидаги (шу жумладан, шўр кўллардаги) сувнинг миқдори 47984610 куб км.ни ёки ер юзасидаги жами сув заҳирасининг 3,5 фоизини ташкил этади.

Ер юзидаги чучук сув манбалари:

— доимий музлик ва қор қопламлари;

— ер ости чучук сувлари;

— ботқоқлик, дарё ва кўллардаги чучук сувлар;

— биомасса ва атмосфера таркибидаги сувлар.

Чучук сувнинг 70 фоизи муз қопламларида, 30 фоизи эса, тупроқдаги нам ёки олиш қийин бўлган ер ости қатламларида жойлашган. Ер юзида мавжуд бўлган чучук сув заҳираларининг бир фоизидан инсоният фойдаланиши мумкин.

Албатта бу ва бу каби маълумотларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, сув муаммоаси Ўзбекистонда ҳам энг ўткир муаммога айланиб улгурган.

Айни кунлардаги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг сувдан фойдаланишдаги вазифаси нималардан иборат бўлмоғи лозим? Сувга бўлган ижобий муносабатни ёш авлод онгига сингдириш учун нималар қилиш керак? Агар ўқувчилар турли фанлар дастурида сувга оид тушунчаларни ўрганиб борса, келгусида қандай натижаларга эришишимиз мумкин? Юқоридаги саволларга педагогика фанлари доктори, ЎзПФИТИ профессори Эшбой Турдиқулов қуйидагича жавоб берди.

—Умумтаълим мактабларида сув билан боғлиқ тушунчаларни ўқувчиларга бериб боришни такомиллаштириш зарур. Бунинг учун биз ўқув дастури асосида ўқувчиларда сувдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқишимиз керак бўлади. Таълим мазмунини такомиллаштириш ҳаётий материаллар асосида амалга оширилиши лозим. Ана шундай материаллардан бири сув ҳақидаги билимлар тизими ҳисобланади. Сув инсониятнинг амалий фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай тирик мавжудот сувсиз яшай олмайди. Сув илоҳий неъмат. Сувга оид тушунчаларни физика, география, биология, кимё, она тили ва адабиёти фанларининг ўқув дастурларига киритиш мумкин. Бунда ўқувчиларга сувга оид билим бериш усуллари қуйидагича бўлади:

— аввал ўрганган билимларга асосланиб (1-4-синф);

— бир фанни ўқитиш жараёнида;

— фанлараро боғланишда;

— мустақил ўқиш асосида;

— тўгарак ва клубларда;

— худди шунингдек, табиат билан мулоқотда бўлган вақтларда;

— радио, телевидение, матбуот нашрлари ва интернет ёрдамида.

Ўрганилиши зарур бўлган материаллар мазмуни илмий ва тушунарли бўлиши, қисқа, содда, лўнда баён этилиши керак. Агар биз ўқувчиларга сув ҳақидаги тушунчаларни, унинг ҳар бир томчисини эъзозлаш, ҳар бир литр сувдан оқилона фойдаланиш, сув битмас-туганмас неъмат эмаслигини, айни кунларда кўпгина давлатлар аҳолиси сувсизликдан азият чекаётганлигини сингдириб борсак, кўпгина сув масалалари билан шуғулланаётган мутахассислар айтаётган баъзи хавотирли тахминларнинг олдини олган бўламиз.

Илмий-амалий семинарда ЎзПФИТИ директори, профессор Р.Жўраев, профессор В.Духовный, техника фанлари доктори Р.Икромов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор А.Қодиров, қизиқарли маърузалар қилди ҳамда йиғилганларнинг кўпгина саволларига жавоб қайтардилар.

Шаҳзода ЎЛЖАЕВА, ўқитувчи

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ТАРБИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида «Ёш авлоднинг экологик маданиятини тарбиялаш муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Республикадаги мактабгача, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим, олий таълим тизимида экологик таълим-тарбия бўйича тўпланган тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал этиш йўллари, методларини аниқлаш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқиш конференциянинг асосий мақсади эди.

«Узлуксиз экологик таълим-тарбияни амалга оширишнинг ҳозирги муаммолари, ютуқ ва ечимлари», «Мактабгача ва умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш», «Касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва олий ўқув юртларида экологик таълимни амалга ошириш усуллари» шўъбаларида иш олиб борган конференция ишида кўпгина масалалар муҳокама этилди.

Конференцияга республика бўйича 200 дан ортиқ маърузалар келди, таҳлилдан кейин 90 дан ортиқ маърузалар дастурга киритилди. Мазкур материаллар мазмунида таълим босқичларида экологик таълим-тарбияни амалга ошириш йўллари, дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантириш, ушбу муаммони ҳал қилишда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги каби масалалар янги педагогик технологиялар асосида ҳал этилган.

Тадбирда ЎзПФИТИ, ЎзМУ, ТДПУ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари илмий ходимлари, докторант ва аспирантлари, умумий ўрта таълим мактаблари, коллеж ва лицей ўқитувчилари иштирок этди.

Якунловчи ялпи мажлисда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришга оид тавсиялар қабул қилинди.

Мухбиримиз

ЧИҚИНДИЛАРДАН ХОМАШЁ

ёки уларнинг атроф-муҳитга таъсири қандай бўлмоқда?

Ўзбекистон иқтисодий географиясини ўрганаётган ўқувчилар ва уларга билим бераётган ўқитувчилар юртимизда иссиқлик энергия станцияси ишлаб чиқариш корхоналари қанча эканлигини билсалар керак.

Иқтисодий ривожланиш бўлган жойда аҳолининг яшаш тарзи, турмуш шароитининг яхшиланиши ҳам ҳақиқат. Аммо, ишлаб чиқарувчи корхоналар, завод, фабрикалар атроф-муҳит экологиясига, корхонага ёндош ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг саломатлигига зарар етказадиган чиқиндилар чиқармайди, деб ким айта олади?

Энг долзарб муаммолардан бирига айланган экологик тозалик масаласини ишлаб чиқарувчилар қандай ҳал этмоқдалар?

Албатта, бу ҳақда ўқитувчиларда ҳам, ўқувчиларда ҳам етарли маълумот йўқ.

Айни кунда анъанага айланиб қолаётган журналистлар учун пресс-тур уюштириш навбатини нодавлат, нотижорат ташкилот — «Яшаш ҳудуди» инфомаркази олди. Бу гал 30 дан зиёд журналистлар Тошкент вилоятининг Ангрен ҳамда Олмалиқ ҳудуди экологияси билан танишишди.

Сафар давомида журналистларни Тошкент вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Иван Кульбацкий, «Яшаш ҳудуди» инфомаркази ходими Наталия Шулепина, Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Валерий Дубинский кўпгина маълумотлар билан таништириб бордилар.

Маълумки юртимизда фаолият юритаётган иссиқлик энергия станциялари маълум миқдорда кўмир ёқади. Ёнган кўмир кули, яъни чиқинди қаерга ташланади, завод атрофидаги аҳолининг соғлигига, ўша ҳудуднинг ҳайвонот ва ўсимлик оламига бу чиқиндилар зарар етказмайдими?

«Ўзбекэнерго» ДАК тасарруфидаги Ангрен иссиқлик энергияси станциясига қилинган ташрифда журналистлар корхона директори Ҳабибулло Шоисматовдан кўпгина маълумотларни олишга муваффақ бўлдилар.

—Чиқиндиларни қайта ишлаш, яъни атроф-муҳитга зарар етказмаслик мақсадида «Экострон» фирмаси билан чиқиндиларни сотиш бўйича шартнома тузганмиз. Фирма биздан бир йилда 100 минг тонна чиқинди олишни режалаштирган. Шу кунгача 55 минг тонна чиқинди уларга етказилди. Бундан ташқари, ёнган кўмир кукунлари компонент сифатида Навоий цемент заводига жўнатилади. Бу чиқиндиларнинг таркиби жуда бой. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ҳам кўмир кукунларидан шахталарни тўлдириш учун фойдаланади. Ҳавога учаётган чангларни тутиб олувчи асбоблар ҳам ўрнатганмиз. Айни кунда корхонадаги 11 та қозондан тўрттаси ишлаётгани боис, ҳар тўрталасида ҳам шундай мосламалар бор. Германиялик мутахассислар билан ҳамкорликда чиқиндиларни қайта ишловчи завод очмоқчимиз. У йилига 20 минг тонна кукунни маҳсулотга айлантиради. Бундай лойиҳаларни япониялик, италиялик, исроиллик мутахассислар билан ҳам амалга ошириш ҳақида шартнома тузганмиз. Италияликлар кукун таркибида чинни ишлаб чиқаришга мос келадиган элементлар топишган. Исроилликлар эса, ярим ўтказгичлар ишлаб чиқариш учун бу чиқиндилардан фойдаланмоқчи. 1957 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ушбу корхонанинг чиқиндилари 200 минг тоннадан ошиб кетган, - деди Ҳабибулло Шоисматов.

Ўзбекистонда мана шундай станцияларнинг саккизтаси ишлаб турибди. Ангрен иссиқлик энергия станцияси бир кунда 484 мегаватт иссиқлик энергияси ишлаб чиқаради. Олмалиққа кириб борганимизда эса, Олмалиқ «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудидаги баланд-баланд «тоғлар»га кўзимиз тушди. Кейин маълум бўлишича, бу «тоғ»лар завод чиқараётган чиқиндилар экан. 1969 йилдан буён фаолият олиб борадиган корхона аммофос минерал ўғити ишлаб чиқаради. Республикамизда Самарқанд кимё заводи ва Қўқон суперфосфат заводи билан бирга минерал ўғит ишлаб чиқарадиган корхоналар қаторида туради. Айтиш мумкинки, бу завод уларнинг энг йириги. Республикада ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитларнинг 90 фоизидан кўпини Олмалиқдаги шу завод беради. Хомашёни Қозоғистоннинг Қоратов, Ўзбекистоннинг Қизилқум конидан олади. Қизилқумдан қазиб олинадиган хомашё таркибида хлор мавжуд бўлганлиги учун, корхонадаги ускуналар тез ишдан чиқяпти ва ҳар олти ойда ускуналарни таъмирлашга тўғри келяпти. Бир тонна аммофос олиш учун иккидан тўрттача фосфагипс чиқинди ҳосил бўлади. Юқоридаги тўртта биз «тоғ» деб ўйлаган тепаликлар ана ўша 1959 йилдан буён корхона чиқарган чиқинди экан.

Бу ерда ҳам чиқиндилардан қайта хомашё олиш йўлида қатор ишлар қилинаётган экан. Тошкент кимё технология институти профессор-ўқитувчилари ана шу йўлда бир қатор илмий изланишларни амалга оширмоқда. Улар фосфагипсдан сульфат аммоний олиш устида иш олиб бормоқдалар.

Агар чиқиндилар тўпланиб қолмай ўз вақтида қайта ишлашга жўнатилса, ҳам заводларнинг иқтисодий имкониятлари кенгаярди, ҳам атроф-муҳит тозалиги кафолатланарди.

Саҳифани Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

ҚУРБОНЛАР СОНИ 1250 НАФАРГА ЕТДИ

Ироқда ҳалок бўлган америкалик аскарларнинг сони ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан буён 1250 кишини ташкил қилди. Бу ҳақда Пентагоннинг расмий вакили Брайан Уитман хабар берди. Ноябрь ойида Ироқда 135 ҳарбий қурбон бўлган. Уларнинг кўпчилик қисми ўтган йилнинг апрель ойида рўйхатдан ўтказилган эди. Шу ойда ҳалок бўлганлар сонининг кўплиги Эл-Фаллужа шаҳрида бўлиб ўтган операцияда маҳаллий аҳолининг америкалик ҳарбийларга кўрсатган қаттиқ қаршилиги сабабли юзага келган.



УКРАИНАДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

Украинанинг Луганс вилоятида Виктор Януковични қўллаб-қувватлашга йиғилган намойиш қатнашчилари номаълум кишилар томонидан қўрқувга солинган, сўнгра улар ўртасида тўқнашувлар юзага келган. Аксарият талабалардан иборат намойишчиларнинг кўпчилиги тан жароҳатлари олишган. Уларнинг ичида бир неча милиция ходимлари ҳам бўлган. Ички ишлар бошқармаси полковниги Татьяна Сафченконинг айтишича, милиция ходимларининг ўз вақтида аралашгани туфайли жиддий талофат кўрганлар йўқ. Қонунбузарлар тезлик билан ҳар тарафга қочиб кетишган.

Бир неча кун олдин эса, икки номзод тарафдорлари ўртасида қарама-қаршиликлар вужудга келиб, муносабатлар қўл жангига айланиб кетган. Натижада бир неча киши оғир тан жароҳати олиб шифохонага етказилган. Буларнинг ичида бир журналист ва халқаро кузатувчи бўлган. Бундан ташқари тартиб ўрнатиш жараёнида милиция ходимлари ҳам талофат кўрган. Луганс ички ишлар бошқармаси воқеа юзасидан жиноий иш қўзғаган.

РОССИЯ ЯНГИ ҚУРОЛНИ СИНОВДАН ЎТКАЗДИ

Россия мудофаа вазирлигининг хабар беришича, мамлакат қуролли кучлари аста-секин модернизация қилинмоқда. Бунга яққол мисол Қозоғистонда синовдан ўтказилган ракета ниҳоятда катта имкониятларга эгалигини кўрсатди. А-135 номли ракета юқори баландликда учаётган объектларни аниқ уриб тушириш хусусиятига эга бўлиб, стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳарларнинг осмонини ҳимоя қилишга мўлжалланмоқда. Ракета биринчи Москва шаҳри осмони ҳимоясига қўйилади. Россия президенти Владимир Путиннинг айтишича, халқаро терроризм муаммолари ва 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган хуруж мудофаа тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Худди шу каби ракеталар АҚШда ҳам яратилмоқда. Бироқ, у ҳали тўлиқ синов ва текширувлардан ўтказилмаган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳолатида турибди. Мутахассисларнинг айтишича, Россия илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари бир зумга ҳам янги технологиялар ёрдамида замонавий ракеталар яратишни тўхтатишмаган, деб хабар беради Би-би-си агентлиги.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛАЁТГАН ДЕЛЬФИНЛАР

Дельфинларнинг ўз жонига қасд қилиши Австралия ва Янги Зеландияда кузатилмоқда, деб хабар беради АР агентлиги. Маълумотларга қараганда, уч кун ичида 115 дельфин Жанубий Австралия қирғоқларига чиқиб ҳалок бўлган. Худди шундай воқеа Янги Зеландия шимолий қирғоқларида ҳам кузатилган. Мазкур воқеа натижасида ўзларини Орол қирғоқларига чиқариб ташлаган 75 дельфиндан 58 таси қурбон бўлган. Мария оролида узунлиги 4 метр, оғирлиги 1 тоннага тенг денгиз жонзотининг 43 тасидан 24 тасигина қутқариб қолинган. Ҳозирда мазкур сирли воқеаларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида ўлик дельфинлар устида тадқиқот олиб борилмоқда.

Интернет манбалари асосида
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 109-гуруҳ талабалари тайёрлашди.

Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Олий педагогика институти жамоаси институт ходимаси Н.Тошмуҳамедовага онаси

Роҳатхон ая НОСИРОВАнинг

зафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ҚОЗОҒИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ НАРХИ ОШМОҚДА

"Немис тўлқини" радиостанциясининг хабар беришича, давлат кредитлари шартномаси асосида таълим олаётган талабалар Алмати ва Остона кўчаларига чиқиб, намойишлар ўтказдилар. Уларнинг айтишларича, ҳукумат олий таълим нархини икки баробар кўтариб, талабаларга берган ваъдасини қатъий бузди.

Давлат кредитларини олган талабалар ва ҳукумат ўртасидаги шартномага биноан беш йилга берилаётган маблағ 1820 дан 2360 еврони ташкил қилиши керак бўлган. Ушбу маблағ 15 йил ичида аста-секин тўлаб борилиши мўлжалланган. Бироқ, Қозоғистон таълим ва фан вазирлиги бугунги кунда олий таълим олиш учун тўланаётган пуллар ҳаддан ташқари пастлигини таъкидлаб, илм олиш иштиёқида бўлганларга яна қўшимча шартнома имзолаш таклифи билан чиқди. Унга кўра, эндиликда юқорида қайд этилган миқдорга яна 1000—1200 евро қўшиб тўланиши шарт. Акс ҳолда тўловларни тўлашдан бош тортаётганлар олий таълим муассасаларидан четлаштирилиши билдирилган. Қарорга янада аниқлик киритиш учун Қозоғистон таълим ва фан вазири ўринбосари Айман Абдуқодирова мамлакатда умум нарх-наво ошиши тўловларнинг ҳам кўтарилишига асосий омил бўлмоқда, деб айтган. Абдуқодирова республикада олий таълим масканлари ўқитувчиларининг ойлик маоши ҳақи 1,7 маротаба ошгани, коммунал хизмат кўрсатиш 1,9 маротаба ошганини ва таълим бериш ва ўқитиш жараёни эндиликда чамаси 30 фоизга давлатга қимматга тушаётганини эътироф этган. Шу сабабли, давлат тарафидан ажратилган кредитлар ва моддий ресурслар поёнига етган. Аммо вазир муовини томонидан айтилаётган далиллар талабаларни қондирмаяпти. Чунки ҳар бир олинган 1 евро эртага қўшимча фоизлар миқдорида қайтиб берилиши керак. Талабалар ва ота-оналарнинг айтишича, мутасадди вазирлик ажратилган маблағларни ноўўя сарфлаган, камомадни эса болалар ва ота-оналар ҳисобига тўлдирмоқчи.

Нозима ИКРОМОВА,
ЎзМУ талабаси

Safar taassurotlari

ОЗОДЛИК ВА ЭЛЛИС ОРОЛЛАРИГА САЁҲАТ

Жорий йилнинг ёзида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг бир гуруҳ ўқитувчи ва талабалари Америка диёрида бўлиб қайтишди. Бундай имкониятни АҚШ давлат департаменти томонидан молиявий таъминланган лойиҳа яратиб берди. Саёҳатдан асосий мақсад, журналистик таълимни ривожлантириш бўлса-да, лойиҳага биноан АҚШнинг бир қатор муҳим тарихий жойларига ташриф ҳам режалаштирилган эди.

Саёҳат давомида АҚШнинг бир нечта шаҳарларида, диққатга сазовор жойларида, жумладан, Нью-Йорк штати ҳудудига кирадиган Эллис ва Озодлик оролларига ҳам ташриф уюштирилди. АҚШ ўзининг осмонўпар бинолари билан машҳурлигини ҳамма жуда яхши билади. Гуруҳдагилар гарчи сафар чоғида бундай бинолар нинг кўпини кўришса-да, Нью-Йоркдагидай баланд бинолар уларнинг ҳайратини оширди. Биноларнинг пештоқида катта электрон таблолар ўрнатилган ва уларда мамлакатда содир бўлган ҳар бир муҳим янгилик мунтазам бериб борилади. Бундан ташқари, чироқлар билан безатилган катта реклама тахталари ҳам бор. Шу боис, кечаси ҳам Бродвей кўчаси ёруғ ва одамлар билан гавжум бўлади.

Сайрга чиқилганда кўчада одамлар ниҳоятда кўплигидан адашиб ёки ҳамроҳларни йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмаслигига амин бўласиз. Делегация аъзолари шаҳарга келган биринчи куниёқ Бродвейдаги Таймс майдони ва Рокфеллер марказини томоша қилдилар. Рокфеллер маркази атрофида турли хил давлатларнинг байроқлари осиб қўйилган. Ўртага эса, жуда катта ёзги очиқ ресторан қилинган экан. Унинг орқа томонида ажойиб, чиройли, тилларанг фаввора бор эди. Тунги Бродвейда бу манзара шунақа гўзал кўринадики, майдонга илк маротаба келган одам анча пайтгача кетмай, айланиб юриши аниқ.

Дастурдаги навбатдаги кун Нью-Йорк шаҳрини томоша қилиш учун ажратилганди. Шу сабаб, соат ўнлар атрофида делегация аъзолари менежер Дэвид Байерс ва жаноб Жон О'Фарреллар раҳбарлигида "Импайер стейт билдинг" ёнидаги автобус бекатига боришди.

Нью-Йоркда дабл-дэкер деб номланадиган икки қаватли, тепаси очиқ автобуслар кўп. Одатда сайёҳлар ва шаҳарни томоша қилмоқчи бўлганлар дабл-дэкерлар хизматларидан фойдаланишар экан. Меҳмонлар ҳам бекатда шундай автобуслардан бирининг иккинчи қаватига жойлашиб олдилар. Автобус Нью-Йорк кўчалари бўйлаб юрар экан, йўлбошловчи (гид) теварак-атрофни таништириб кетди.

"Импайер стейт билдинг" биноси, Мэдлайт минораси, Нью скул университети, Авлиё Питер шифохонаси, магазинлари билан машҳур Чайнатаун кўчаси, Бродвей, Француз каллиография институти, Федератив бино, Уолл стрит, Бруклин Бридж—буларнинг барчаси шаҳарнинг энг гавжум ва энг машҳур жойлари ҳисобланади.

Автобус ярим соатлардан сўнг Нью-Йорк бандаргоҳида тўхтади. Барча йўловчилар у ерда кемага ўтириб, Озодлик ороли томон йўл олишди. Америка тимсоли бўлмиш Озодлик ҳайкали шу оролда қад кўтарган. Оролга етиб келган меҳмонлар барча йўловчилар қаторида ҳайкал томон юрдилар. Узун йўлакларда кўпгина маълумотлар ёзилган тахталар бор эди.

Тарихдан маълум, 1865 йили Эдуард де Лаболе раҳбарлигида бир гуруҳ француз маърифатпарварлари эркинлик ва озодлик тимсоли сифатида Қўшма Штатларга рамзий совға ибот ишларини олиб боради. Бир йилдан сўнг Озодлик ҳайкали оролда қад кўтаради ва 1924 йили у миллий ёдгорлик деб эълон қилинади. Бу ҳайкалнинг умумий узунлиги (ердан то гулханнинг учигача) 305 метр экан.

Делегация аъзолари кўплаб одамлар қаторида оролда бир-икки соат сайр қилишди. Озодлик ороли унчалик ҳам катта эмас, шу боис қисқа вақт ичида унинг у бурчагидан, бу бурчагигача кезиб чиқиш мумкин экан. Оролнинг бир томонидан Манхэтенн, иккинчи томонидан Бруклин Бридж кўприги кўриниб турарди.

Навбатдаги кема келгач, барча сайёҳлар Эллис оролига йўл олишди. Эллис ороли қурилиши жиҳатидан кичик бир давлатга ўхшаб кетарди. Сайёҳларга бетайёрламоқчи бўладилар. Ўша пайтда бунга асос ҳам бор эди: фуқаролар уруши тугаган, қулдорлик бекор қилинган ва миллатлараро бирдамлик кучайиб бораёт-ганди. Йигирма йил давомида ҳайкалнинг кўриниши, уни қайси оролга ўрнатиш масалалари ва манзилга етказиб бориш ишлари амалга оширилган. Буларнинг барчасида Александр Гюстав Эйфель, Фредерик Август Бартольди, Ричард Морис Хант ва шоир Эмма Лазариусларнинг алоҳида хизматини таъкидлаш зарур.

Шундай қилиб, 1885 йили ҳайкал Нью-Йорк бандаргоҳига олиб келинади, аммо уни ўрнатиш учун минбар қурилиши керак эди. Конгресс бунга маблағ ажратмагач, таниқли америкалик журналист Жозеф Пулицер пул йиғиш мақсадида оммавий тарғ-рилган орол харитасида унинг тарихига оид бир қанча маълумотлар бор эди. Унда ёзилишича, 1830 йилларда Ирландия, Буюк Британия ва Германиядан катта сонли муҳожирлар Америкага кела бошлайди. XVIII асрнинг 80-йилларига келиб эса, жами 6 миллионга яқин муҳожирлар мамлакатда йиғилади. 1892 йили конгресс қарорига биноан Эллис оролида муҳожирларни қабул қилиш маркази очилади. Бу ерда уларнинг соғлиғидан тортиб, келиб чиқишигача текширилган ва икки ҳафтадан сўнг Нью-Йорк шаҳрига қўйилган. Йигирма икки миллион аҳоли Эллис ороли орқали Нью-Йоркка кириб келган. Уларнинг вақтинча бўлса ҳам яшаб туришлари учун ётоқхоналар, кутубхона, тамаддихоналар ва шифохоналар қурилган.

XIX асрнинг 20-йилларида бундай текширув ишлари АҚШ махсус назорат пунктларига ўтади. Шу сабаб, 1954 йили Эллис оролидаги марказ буткул ёпилади. Бугун бу оролда ўзининг келажагини Америка билан боғлаш мақсадида илк қадамларини қўйган одамларнинг тарихини кўриш мумкин.

Бу ерга келган барча одамлар Муҳожирлар музейида Эллис оролининг тарихи ҳақида "Умид ва кўз ёшлар ороли" номли қисқа фильмни томоша қилишлари мумкин. Фильмда бу оролга келган илк муҳожирлар, уларнинг янги қитъадаги ҳаёти ва турмуш тарзи ҳақида тўлиқ баён қилинган. Фильмдан сўнг гуруҳ аъзолари кинотеатрдан чиқиб, орол музейини томоша қилдилар. Навбатдаги кемада эса, яна Нью-Йорк шаҳри бандаргоҳига қайтиб келинди. Дабл-дэкер автобуси "Импайер стейт билдинг" бекатига бошқа йўналиш билан қайтди, шу сабаб бу гал шаҳарга келган сайёҳлар яна бир қанча жойларни кўришга муваффақ бўлдилар.

Наргиза ИБРОҲИМОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 4-курс талабаси

Mushkulotlar ko‘pdir dunyoda,
Yechar bir kun barin intiq jon.
Ammo, ochun oldida mangu
Jumboq bo‘lib qoladi inson.

«РУҲИМГА ПОК МАЪВОЛАР КЕРАК»

“Сўз — менинг руҳим”, — деган экан Уолт Уитмен. Демак, шеър руҳнинг кўриниши. Кўриниш, бир қараганда, шунчаки, зоҳирга дахлдор жиҳат. Зоҳирдаги мавжудлик. Лекин, унинг замирига чуқурроқ сер солинса, назар ташланса, ботиннингда тарзи эканлиги аён бўлади. Кузатув — зоҳир, ҳис — ботин. Таассурот — зоҳир, англаш — ботин.

Истеъдодли шоир Минҳожиддин Мирзонинг битикларида кузатув ва ҳис, таассурот ва англаш, яъни, зоҳир ила ботин уйқашиб келади. Яна бир томони, мушоҳада ила туйғу бирикиб руҳ моҳиятига айланади. Ҳислар бағридан ўсади Ватан деган юксаклик. Мушоҳадалар вазминлиги туйғулар туғёнига сингади, туйғулар туғёни мушоҳадалар вазминлигига кўчади.

Мурод — фикрлашга ундов. Ўйлашга ундов. Мушоҳадалар йўсини билан, туйғулар йўсини билан инсон дейилмиш “сир”ни англаш немуғдор мушкул эканлигини, уни ўз-ўзига қайрилиб қарашга, ўзини билишга ундайди:

Мушкулотлар кўпдир дунёда,
Ечар бир кун барин интиқ жон.
Аммо, очун олдида мангу
Жумбоқ бўлиб қолади инсон.

Минҳожиддин Мирзо битикларида яна бир сифат ҳурлик олами — руҳнинг поклиги ҳамда беғуборлигига ишора айлаш сирасида намоён бўлади.

“Руҳимга пок маъволар керак”.

Бу — шоир руҳининг соғинч тарзи”.

Ушбу сатрлар истеъдодли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзонинг яқинда нашрдан чиққан “Висол хабари” китобига ёзилган сўзбошидан олинди. Сўзбоши муаллифи бугунги ўзбек шеъриятида ўз-ўрнига эга бўлган шоир — Икром Отамурод.

Минҳожиддин Мирзо қалбида тўлғанаётган ҳислар тўлқини Сизни ҳам нурли манзилларга чорлайди, деб умид қиламиз. Шоир Сиз билан ўз китоби орқали яна юзма-юз. Унинг туҳфаларини қабул қилинг.

КАРВОНЛИ

3-синфлар учун мўлжалланган “Китобим — офтобим” ўқиш китобининг чоп этилиши ўқувчилар учун тайёр манбаа бўлди.

Дарслик ўқувчиларга мос, енгил, ўқилиши осон бўлган шеърлар, лавҳалар, ривоятлар, эртаклардан таркиб топган. Ўқувчиларни илмга чанқоқлик, дўстга садоқат, жасурлик руҳида тарбиялайдиган бу ҳикоятларни Б.Мақулова, Г.Ниёзов, Э.Абдувалитовлар ҳамжиҳатликда тузиб, дарслик

МУТОЛААДАН ИЛК САБОҚ

ҳолатига келтиришган. Мазкур китобчада ривоятлар ва эртаклар билан ёнма-ён чизилган табиат манзаралари, турли эртак қаҳрамонларига ишланган суратлар ўқувчиларнинг тасаввур доирасини кенгайтиради. Топишмоқлар ёнида келтирилган расмлар жавобни топишга кўмаклашади.

Қўлланмада дастлаб ўқувчилар онгига ватанпарварлик руҳини сингдирувчи шеърий парчалар берилади. Шундан сўнг ўқувчилар “Ўтмишдан лавҳалар” боби орқали ўтмишда яшаб ўтган ота-боболаримиз, алломаларимизнинг гўзал ва ибратли ҳаёт тарзидан бохабар бўлишади. “Фасллар гулдастаси”, “Тинчликни куйлаймиз”, “Инсонийлик сабоқлари” сингари турли боблар орқали ўғил-қизларда табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳисси, меҳнатсеварлик, хушмуомалалик сингари фазилатлар шакллантирилади.

Азиз НОРҚУЛОВ



ИҚТИСОДЧИЛАРГА ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

Профессор Баҳодир Ҳошимовнинг “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фани бўйича ёзилган дарслиги янгича талаблар асосида яратилган бўлиб, у таркибий тузилишига кўра ўнта боб, ҳар бир бобнинг якунида тест саволлари, ўз-ўзини текшириш учун саволлар, бобга тегишли адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дарсликда бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги мавжуд муаммоларнинг республикамиз корхоналари амалий маълумотлари асосида ёритилиши унинг амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилган.

Муаллиф томонидан бухгалтерия ҳисобининг моҳиятини чуқурроқ тасаввур этиш учун унинг тарихий ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Бунда муаллиф хорижий ва республикамизнинг тажрибали назариётчи олимларининг илмий асарларидан ўринли фойдаланган. Дарсликнинг биринчи бобида хўжалик ҳисобининг турлари ичида бухгалтерия ҳисобининг ўрни чуқур асослаб берилган.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, уларни консолидациялаштириш, ҳисоб сиёсати ва бошқа шу каби янги объектларнинг ушбу дарсликда биринчи маротаба кенг ёритиб берилганлиги диққатга сазовордир.

Муаллиф тажрибали педагог ва иқтисодчи олим бўлиб, унинг раҳбарлигида ушбу дарсликнинг рус тилидаги варианти ҳам тайёрланиб, ўқув қўлланма сифатида ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинди.

Хуллас, ушбу дарсликни республикамизда тегишли фан соҳасини янги тамойиллар ва қоидалар билан бойитишга хизмат қиладиган, унинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлантирган, давлат таълим стандартларида белгилаб берилган, дарсликлар яратиш талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган фундаментал асар сифатида баҳолаш мумкин.

Мунаввар ТЎЛАХЎЖАЕВА,
иқтисод фанлари доктори, профессор

«ЮРАК ИҚЛИМИ»

Ёш шоир Шодмонқул Саломовнинг айтганлари самимий.

Эртага сочимни оқартиради,
Бу кеча Бойсунга ёғиб ўтган қор.
Соғинчдан кўксимга тоғлар қулади,
Тўлғонган тоғларга кетдик, Қандиёр.

Ш.Саломовнинг шеърлари ўзи сингари тоза. Бойсун даштларининг, тоғларининг кенглиги, улуғворлиги нуқси уриб турибди. “Юрак иқлими” деб номланган ушбу мўъжазгина китобча янги шоир бўй кўрсатаётганидан, ўз-ўзини кашф этишга уринаётган шахс етилиб келаётганидан дарак беради. “Юрак иқлими” муждасини қабул қилинг.

Умид ЁҚУБОВ

ЮРТ УЛУҒЛАНГАН ШЕЪРЛАР

Зикрилла Неъматнинг “Муҳаббатсиз яшаб бўлмас" (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Адабиёт жамғармаси нашриёти) китобидан шоирнинг турфа мавзудаги шеърлари жой олган. Булар орасида, айниқса Бухоро ҳақидаги сатрлар

алоҳида ўрин тутади. Шоир бир шеърида Бухорони қадимий, сирли, нурли деб таърифлаган бўлса, яна бирида:

Сен эса дунёга
келмабсан ҳали —
Агар Бухорони
кўрмаган бўлсанг,

деб ўз Ватанига бўлган чексиз эҳтиромини билдиради. Ўз юртидан қарздорлик ҳиссини туйиб, уни улуғлаган инсонни Ватан ҳам улуғлаши, шубҳасиз.

Тасаввур қилинг: қошлари қайрилма, сочлари жингалак, бодомқовоқ, тийрак кўз, киприклари ўқдай, лаблари ақиқдай кўҳликкина қиз рўпарангизда сизга умид билан термулиб турибди. Ширин сўз, яхши муомала билан кўнглини кўтаргингиз келади. Шу қизнинг атиги бир ёки икки йиллик умри қолганини билганингиздан кейин қандай ҳолга тушасиз? Ҳаёт шодликларини тотиб улгурмаган бу қизнинг умрини узайтириб, уни ўлим чангалидан қутқариб қолишнинг наҳотки, имкони бўлмаса? Табобат ходимлари қаёққа қараяптилар ўзи, дея иддао қилишингиз турган гап. Аммо шу чиройли қиз буйраклари энг сўнгги кучларини сарфлаётган бир пайтда шифохонага ётқизилса айтинг, айб кимда бўлади? Ойлар, йиллар мобайнида йиғилиб қолган заҳарни чиқариб ташлашни зўрға уддалаётган буйраклар бужмайиб қолган бўлса, шифокорларда не гуноҳ? Бу саволни шифокор-ёзувчи Жуманазар Бекназар “Меҳр қуёши” (“Чўлпон” нашриёти) номли китобида ўқувчиларга беради. Дарҳақиқат, “Ўзбек касални ўтказиб боради” дея таъриф берилган бизнинг халқни даволовчи шифокорларга қийин. Баъзан, бемор икки йўл ўртасида турганда даволовчи шифокор касалликка қарши ундан-да кўп курашади. Ғоятда мушкул ва савобли бу касбнинг заҳматлари ҳақида ҳаётий мисоллар берилган ушбу китобда бугун кўп учраётган касалликлар ҳам тилга олинади. “Ғалати дард”, “Ушалмаган орзу”, “Сабоқ” каби бир қанча ибратли ҳикоялар якунида муаллиф шундай хулосага келади.

МЕҲРГА ТАЛПИНИБ ЯШАМОҚ КЕРАК

Инсон умрини узайтириш мумкинлиги айни ҳақиқат. Бунинг учун эса, ҳам меҳрга талпиниб, ҳам меҳрга талпинтириб яшамоқ керак. Ҳаёт қонунларидан муҳими ҳам шу бўлса, ажаб эмас!

НЕГАГА ЖАВОБ

“Истиқлол” нашриёти томонидан Баҳодир Нурмуҳаммаднинг “Нега?” номли китоби чоп этилди. Инсон яралганидан бери деярли ҳар доим ҳамма авлод “нега” деган савол атрофида айланаверади. Саволларнинг баъзиларига жавоб топилса-да, “нега”лар камаймайди. Боиси, янги “нега”лар пайдо бўлаверади. Ушбу мўъжаз китобда бугун ҳаётимизда одат тусига кириб кетган, аммо аслида бидъат ҳисобланган одатлардан нега ҳамон кечолмаймиз, деган савол кўндаланг қўйилади. Шунингдек, китобдан ахлоққа оид кўп масалалар, хусусан, насиҳат қилиш одоби, зиёрат вақтида қилиниши лозим бўлган амаллар ҳақидаги мақолалар жой олган.

З.БОБОХЎЖАЕВА

“Ажойиб одамийлик хислатлари мужассам эди Абдуллада. Ундан бир неча китобга арзигулик шеър ва тадқиқот ишларигина эмас, унинг руҳини эъзозлайдиган, қадр-қимматини ардоқлаб, эслаб юрадиган фарзандлари қолди”.

Адабиётшунос, шоир Абдулла Матёқубов ҳақидаги бу сўзлар шу йили “Зарқалам” нашриётида чоп этилган “Мен севиб яшадим...” китобининг сўзбошисидан олинди. Сўзбоши муаллифи академик Матёқуб Қўшжонов ёзганидек, марҳум Абдулла Матёқубовнинг фарзандлари падари бузрукворларининг қўлёзмалари қатларида қолиб кетган шеърларини тўплаб, нашр эттиришди.

У СЕВИБ ЯШАДИ

Китобдан ижодкорнинг илк ижодий намуналари билан бирга мағзи тўқ шеърлари, илмий мақолалари ўрин олган. Унинг Она, Ватан ҳақидаги мисралари, кўнгилга оғир ботмайдиган насиҳатомуз шеърлари ўқувчига манзур бўлиши, шубҳасиз.

XX АСР ТАРОНАЛАРИ



Қайсин Қулиев Болқор ўлкасининг Чегем водийсида, Расул Ҳамзатов Доғистоннинг Хунзах туманидаги Цада қишлоғида, Роберт Рождественский Олтой ўлкасининг Косиха қишлоғида, Давид Қуғултинов Қалмоғистон Республикасининг Гахан-Авгана қишлоғида таваллуд топган. Туғилган юртларидаги бетакрор гўзаллик, муҳит ва тўлиб-тошган мавзулар уларнинг шоир бўлишларига, XX аср шеъриятининг буюк намоёндаларига айланишларига туртки бўлган. Асарлари дунёнинг юзлаб тилларига таржима қилинган.

Истеъдодли шоир Асрор Мўмин ушбу улкан ижодкорлар ижодига ҳавас билан қараб, уларнинг шеър ва достонларини ўзбек тилига ўгирган. Юксак бадиий дурдоналар энди А.Мўмин таржимасида ўзбек китобхонларининг ҳам мулкига айланди. Яқинда “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан Қ.Қулиев, Р.Ҳамзатов, Р.Рождественский, Д.Қуғултиновнинг энг сара шеърлари ва биттадан достони бир тўплам ҳолида чоп этилди. Ўзбек ўқувчиларининг севимли китобларидан бирига айланиши мумкин бўлган ушбу тўплам нашр қилинишига “Матбуот тарқатувчи” очиқ акциядорлик компанияси ҳомийлик қилган.

Китоб 2000 нусхада чоп этилган.

Элмурод НИШОНОВ

ҒОЛИБЛАР ТЕРМА ЖАМОАГА ЎТДИ

Наманганда "Труд" газетаси совриндорлари мамлакатимиз терма жамоаси сафида 2005 йил Наманган шаҳрида бўладиган Осиё биринчилигида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Рустам Қосимжоновнинг издошлари

эканлигини яна бир бора намойиш этишади.

Турнир ғолиб ва совриндорларига Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг диплом ҳамда "Труд" газетасининг эсдалик совғалари топширилди.

Санжар ТОШПЎЛАТОВ

совриндорлари мамлакатимиз терма жамоаси сафида 2005 йил Наманган шаҳрида бўладиган Осиё биринчилигида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Рустам Қосимжоновнинг издошлари

эканлигини яна бир бора намойиш этишади.

Турнир ғолиб ва совриндорларига Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг диплом ҳамда "Труд" газетасининг эсдалик совғалари топширилди.

Санжар ТОШПЎЛАТОВ

вакиллари ҳам иштирок этишди. Беш кунлик ўзаро курашлар якунига кўра, қашқадарёлик Нодира Нодиржонова, сурхондарёлик Райхона Дониёрова, тошкентлик Андрей Квон ва навоийлик Сардор Ҳайдаровлар ғолиб бўлишди.

Эътиборли

томони, болалар ўртасида ўтказилаётган ушбу мусобақа ёш шахматчилар учун янада катта имкониятлар эшигини очиб берди.

Мусобақа ҳаками Комил Раҳматуллиннинг таъкидлашича, мазкур турнир ғолиб ва

гандаги "Шохруҳ" клуби мезбонлик қилди. Унда Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган 80 нафар ўғил ва қиз болалар, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари

БАШОРАТ ҚИЛИНГАНИДЕК БЎЛМАДИ

Бу йил футбол бўйича мамлакат XIII миллий чемпионатининг биринчи лигаси янги шаклда ўтказилди. Жами йигирма икки жамоа «Шарқий» ва «Ғарбий» минтақада, тўрт давра мусобақаларини ўтказди. Ҳар иккала минтақада биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар олий лигага бериладиган бир жуфт йўлланма учун яна курашни давом эттирди. Тошкентда ўтган мазкур ҳал қилувчи мусобақаларда «Шарқий» минтақа ғолиблари - «Цементчи» (Қувасой), пойтахтнинг «NBU-Осиё» ҳамда «Ғарбий» минтақадан «Шўртан» (Ғузор) ва «Тўпаланг» (Сариосиё) жамоалари ўзаро куч синашди. Мусобақалардан олдин олий лигага «Шарқий» минтақа вакилларининг ўтиши башорат қилинган эди. Сабаби «Цементчи» ўтган мавсумда олий лигада тўп сурган, етарли тажриба орттирган, «NBU-Осиё» эса, кейинги йилларда биринчи лиганинг етакчи жамоасига айланиб, барқарор ўйин кўрсатиб келаётганди. «Шўртан» биринчи лиганинг ўртамиёна жамоаси бўлиб, «Тўпаланг» биринчи лигага дебютант сифатида кирганди. Тажрибали мураббийлар ҳал қилувчи беллашувлар олдидан «Шўртан» таркибига олий лига («Трактор» ва «Сўғдиёна») нинг иқтидорли ёш футболчиларини жалб қилишга эришди. Натижада ғузорликлар «Тўпаланг»ни 2:1, «Цементчи»ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, «NBU-Осиё» билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади. Уч учрашувдан иккитасини ўз фойдасига ҳал қилган «Шўртан» жамоаси олий лигага йўлланма олди. «Шўртан» икки ўйиндаёқ олий лига масаласини ҳал қилган бўлса, иккинчи йўлланма учун кураш сўнгги тургача давом этди. Мавсум давомида «Ғарбий» минтақада пешқадамликни қўлдан бермаган «Тўпаланг» охирги ўйинда «Шарқий» минтақа ғолиби - «Цементчи»га имконият қолдирмади - 3:1. Сариосиёликлар «NBU-Осиё»ни ҳам 4:1 ҳисобида мағлуб қилганди. Шундай қилиб, олти очко билан «Тўпаланг» ҳам олий лигага йўлланма олди. Бу Қашқадарёдан уч жамоа – "Насаф", "Машъал" ва "Шўртан"нинг олий лигада иштирок этишини билдиради.

О.СУЛАЙМОНОВ

ҒИЖДУВОНДА КАРТИНГ МУСОБАҚАСИ

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан Ғиждувон шаҳрида картинг бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси ўтказилди. Унда саксон нафар ёш спортчи иштирок этди.

Шахсий биринчиликда Р.Жумаев, Д.Евгений, Ю.Девликанов ҳамда Ф.Жумаев ўз йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритган бўлса, клублар ўртасида «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Ҳамза тумани кенгаши жамоаси ғолиб бўлди.

«САЛОМАТЛИК» СПАРТАКИАДАСИ

Аввал хабар берганимиздек, "Меҳр ва мурувват йили" ҳамда Конституциямизнинг ўн икки йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Саломатлик» спартакиадасининг Тошкент вилояти босқичи якунланди.

Иштирокчилар спортнинг олти тури бўйича ўзаро куч синашди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасига, учинчи ўрин «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига насиб этди.

ЎЗБЕКИСТОН «СУВ ПАРИЛАРИ» - ҒОЛИБ!

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув спорти саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ва Ўзбекистон синхрон сузиш федерацияси томонидан ташкил этилган синхрон сузиш бўйича «Сув париси» V анъанавий халқаро турнири якунланди.

1999 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур халқаро турнирда ҳамюртларимиз билан бирга Россия, Хитой, Қозоғистон, Ҳиндистон ва Беларуссиядан келган 50 нафардан зиёд ёш спортчи ўз маҳоратини намойиш этди.

Яккалик баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Дарья Мажаеванинг чиқиши ҳакамлар томонидан юқори баҳоланиб, унга мусобақа кубоги топширилди. Қолган совринли ўринлар россиялик Анна Ходикина ҳамда Беларус вакиласи Ольга Ушаковага насиб қилди.

ШЕВЧЕНКО, АНРИ ЁКИ РОНАЛДИНЬО?

ФИФА 2004 йилнинг энг яхши футболчисини аниқлаш учун Андрей Шевченко («Милан»), Тьерри Анри («Арсенал») ва Роналдиньо («Барселона») номзодини эълон қилди.

Ҳозирча ҳеч ким бу учликнинг қай бири йилнинг энг яхшиси бўлишини билмайди. Анри ўтган йили Франция терма жамоаси сардори Зинедин Зидандан сўнг иккинчи бўлганди. Ғолибнинг исми 20 декабрь куни Цюрихдаги опера театри биносида эълон қилинади.

Бу йил ФИФА энг яхши ўйинчини танлаш тизимини ўзгартирди. Энди нафақат терма жамоалар мураббийлари балки, ана ўша жамоалар сардорлари ҳам, ҳатто профессионал футбол ташкилотининг раҳбарияти ҳам овоз бериши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, 2000 йилда дунёнинг энг яхши футболчиси Зидан бўлганди. 2001 йилда бу номга Луиш Фигу лойиқ деб топилган. 2002 йилда эса, Роналдонинг барча футболчилардан зўр эканлиги эътироф этилган.

КЛИЧКОЛАР ТЕЛЕВИЗИОН ЧИҚИШ ҚИЛАДИ

Машҳур украин боксчилари ака-ука Кличколар жаҳоннинг таниқли спорт, кино, санъат юлдузлари иштирокида Виктор Ющенко номзодини қўллаб телевизион чиқиш қилмоқчи, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги Германиянинг Der Spiegel журналидан олиб.

Унда Кличколар таклиф қилган футбол бўйича жаҳоннинг икки карра чемпиони Франц Беккенбауэр, теннисчи Борис Беккер, бастакор ва қўшиқчи Стинг, Жо Коккер, Крис де Бург, Cranberries, The Cure гуруҳлари ва бошқалар иштирок этиб, Виктор Ющенкони қўллаб сўз айтадилар.

"Одамлар мана бир ҳафтадирки, митинг уюштирмоқдалар, демократия ва сайловларнинг адолатли ўтиши учун курашмоқдалар", — деди Кличколарнинг кичиги газетага берган интервьюсида.

Сиёсат билан шуғулланишни ҳозир Владимир ўз бўйнига олган, Виталий эса, 11 декабрь куни Лас Вегасда британиялик Дэнни Уильямс билан бўладиган жангга тайёргарлик кўрмоқда.

КУРАШ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Душанба куни Халқаро Олимпия қўмитаси 2012 йилдаги Олимпия ўйинларида мезбонлик қилишга даъвогар бешта шаҳарнинг кўрикдан ўтказилишини маълум қилди. Халқаро Олимпия қўмитаси инспекторлари 2005 йилнинг 16-19 февралида Лондонда бўлиб, у ерда олиб борилаётган ишлар билан танишадилар. Мадрид 3-6 февраль кунлари, Нью-Йорк шаҳри эса, қўмита аъзоларини 21-24 февраль кунлари тайёргарлик ишлари билан таништиради. Парижда 9-12 март, Москвада 14-17 март кунлари бўладиган инспекторлар 2012 йилда бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинлари мезбонини 6 июль куни Сингапурда аниқлаб беради.



ФИДЕНИНГ ОКТЯБР ОЙИДАГИ РЕЙТИНГИ

Халқаро шахмат федерацияси жаҳоннинг энг кучли шахматчилари рейтингини эълон қилди. Жадвални 2813 очко билан Г.Каспаров бошқармоқда. Ҳиндистонлик В.Ананд 2781 очко билан иккинчи ўринни банд этган. Яна бир россиялик шахматчи Крамникда эса 2760 очко бор. У учинчи ўринда. Таниқли шахматчи А.Карпов эса, 2682 очко билан кучли йигирмаликка кирмай қолган.

Интернет хабарлари асосида Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика Ўқув-методика марказида 2004 йилнинг декабрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари курси — 1—29 декабрь — 26 кунлик.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари курси — 1—28 декабрь — 25 кунлик.
3. Мактабгача таълим муассасаси логопедлари курси — 1—14 декабрь — 12 кунлик.

Эслатмалар:

1. Тингловчилар марказнинг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машғулотлар республикадаги таниқли олимлар, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади.

2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари лозим.

3. Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика Ўқув-методика маркази ҳисобидан тўланади.

Манзил: Тошкент—95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.

«Qoida bo'yicha qo'l to'pi o'yinida koptokni ikki qadamdan oshiq yerga urmay olib yurish mumkinmasmish. Bu narsadan hattoki, yetti yashar bolayam xabardor emish».

Hikoya

IKKINCHI QALDIRG'OCH

(Охири. Боши ўтган сонда)

Мен бирпас бошимни қашидимда:

— Қўллашга-ку қўллайман, — дедим, — лекин болалар додлаб ташласа, орага Суннат ака қўшилишига тўғри келади.

Рустам ҳиринглаб кулади.

— Ўшаниси керак бизга.

Ичимда «бир нима режаси борга ўхшайди бунинг, мендан нима кетарди жа» деб ўйлаб рози бўлдим.

Кейинги соат танаффус тугагач, Суннат ака ҳаммамизни спорт залига олиб кириб, ўғил болаларни иккига бўлди-да, ҳуштак чалиб ўйин бошлашга рухсат берди. Ўзи қизларни залнинг кичик бурчагига бошлаб, ўша ёқдаги «эшак»лардан сакратишга тушди. Синфимиздаги болалар қўл тўпи ўйнашга роса ишқибозмасми? Жазаваси қўзиб, бирпасда ҳаммаси ўйинга берилиб кетди. Бекорчи лўкидон чоп-чопларга хушим йўқлигини ҳаммаси билади. Шу сабаб, мен коптокни қўлида ушлашни билмайдиган бир-иккита лапашанглар билан бирга томошабинман. Озгина ҳовлиқишлардан сўнг ўйин энди қовушаётганди. Бир маҳал Рустам коптокни ўн қадамча ерга урмасдан югуриб бориб, дарвозанинг ичига солиб қўйди. Дилшод унга томоғи бўғилиб:

— Пробежка, — деб бақирди.

— Ҳеч қанақа пробежкамас, — дедим мен бу ёқдан, нима бўларкин деб қизиқяпман-да. Қарасам, гол ўтқазворганлар тепамга йиғилиб, ўзларича менга ниманидир исботлаб кетишяпти. Айниқса Дилшод ҳаммасидан ўтиб тушди. Нима эмиш: «Қоида бўйича қўл тўпи ўйинида коптокни икки қадамдан ошиқ ерга урмай олиб юриш мумкинмасмиш. Бу нарсадан ҳаттоки, етти яшар болаям хабардор эмиш». Худди мен ердан чиққан қўзиқоринман: ҳеч нарса билмайман. Ичимда сендақа «ақллига» тенг келиш менгамас, — дедим-да, индамай гапини обдон эшитдим. Кейин яхшилаб энсамни қотирдим-да, қўлимни силтаб:

— Менга нимага гапирасан? — дедим, — мен кўрганимни айтяпман. Ишонмасанг бор, ана, Суннат акага.

— Тўғри айтяпти, нима? — шанғиллаб орага қўшилди Рустам.

Дилшод бошлиқ гала Рустам билан мени шубҳаланиб, олазарак кўздан кечиргач, Суннат аканинг ёнига чопди. Шинаванда ўқитувчимиз бу вақт муҳим иш билан банд, яъни, қизларга «эшак» дан сакраётганда нафис ва енгил ҳаракат қилиш лозимлигини, ҳеч ҳам қўрқиш керакмаслигини тушунтираётганди. Болалар тинчини бузганидан пешонаси тиришиб:

— Ҳм, нима гап тинчликми? — деб ҳўмрайди.

— Мен гол урувдим, — бақирди Рустам бу ёқдан. — Булар офсайд деб ҳисобламаяпти.

— Қўл тўпида офсайд нима қилади? Нодонлар! — тўнғиллади Суннат ака, кейин Рустамга қараб — Маладес, Азизов, дарс тугагач менга кундалигингни обке.

— Қанақа офсайд? — хириллади Дилшод. — Пробежка қилди бу! Пробежка!

— Коптокни ўн беш қадам ерга урмай обюрди.

— Ўн беш эмас, йигирма, — деб ёнидагилар ҳам чувиллашди.

Суннат ака буларнинг гапини эшитибам ўтирмади. Жаҳли чиққанидан қўлини силтаб:

— Бошни оғритмаларинг. Гол ҳисобга олинади, — дея хитоб солгач, гап тамом дегандай болаларга орқасини ўгирди-да, аввалига масхаромуз оҳангда: — Пробежка... Офсайд... — деб минғиллади, кейин кимгадир дўқ урди. — Коптокни ўйна! Ўйнагани чиқарган буни.

Шикоятчиларнинг ҳаммаси сувга тушган мушукдай мунғайиб қайтиб келишди.

— Қалай? — дедим Дилшодга ачитиб. — Гол эканми? Жа боя етти яшар боладан келаётувдинг?!

— Тушунмадим, — ғўлдиради у, — ўн қадамдан ошиқ юрувди...

— Ҳали ёшсан-да, — бидирлади Рустам. — Сал каттароқ бўлгин, тушуниб оласан.

Озгина ғидир-ғидирдан кейин ўйин яна бошланди. Беш-олти марта тўп ошириб, узатилгач, аламзадалик босилиб, лўкиллаб югуришлар бошқатдан авжга чиқди. Худди шу пайт Рустам янги ҳунар кўрсатди. Майдоннинг ён чизиғидан бир метр ўтиб улгурган коптокни тутиб, рақиб дарвозага отилди-да, голни урди. Ҳақиқий ғала-ғовур ана шундан бошланди. Иккала томон гўё бир қоп тилладан қуруқ қолаётгандай, даҳанаки олишиб кетди. Жанжал роса кучайиб, ғазаблар жунбушга чиққан пайт Рустам шанғиллаб:

— Бўпти, — деди-да қўли билан менга ишора қилди. Бизларга ишонмасаларинг ана, Салим холис одам, юрларинг ўшандан сўраймиз.

Гол ўтказворганлар:

— Жа кўрдик боя Салимнинг холислигини, — деб бидирлаб кетишувди, жаҳлим чиқиб:

— Нимани кўрдиларинг? — дедим, ҳаммаси жим бўлиб менга бақрайиб тикилишди.

— Нима қилай, тўғрисини айтайми? — дедим.

Кўзлар умидвор:

— Айт.

— Айт.

— Гол тоза, қоида бузилмай урилди, — деганимни биламан, бирдан Дилшоднинг башараси худди гармдори чайнаган одамдай қизариб-бўзарганча ғизиллаб тепамга келди.

— Менга қара, Салим, фақат тўғрисини айт, — деди кўзини лўқ қилиб. — Рустам сени неча пулга сотиб олди?

— Жинни, — кулдим мен. — Хўп, майли, фаразингча, Рустам мени сотиб олди, дейлик. Унда Суннат акани ким сотиб олган?

— Суннат акани?

— Ҳа, Суннат акани. Бизага ишонмасанг сўраб кел ана.

Дилшод ютиниб қўйди-да, иккиланиб ҳамтовоқларига қаради:

— Нима қиламиз? Борамизми яна?

Севимли устозимиз бу пайт чеккадаги скамейкага ясланиб баҳо қўяётганди.

— Халиловага беш, — дея бошини журналдан кўтарган палла кузғундай рўпарасида пайдо бўлган тўдани кўриб, башараси зумда тумсайди. — Ҳа, тағин нима гап?

— Копток аутга чиқиб кетувди... — дея Дилшод минғиллашни бошловди шериклари унга гап бермай:

— Ён чизиқдан икки метр ўтувди.

— Уни Азизов ушлаб, гол урди.

— Урганиям майли, ўша голини тўғри деб ҳисоблаяпти.

— Ғирромнинг чегараси борми ўзи? — деб чуғурлаб кетишди.

Шовқин-сурондан боши оғриган Суннат ака бўйнига осилган ҳуштагини чуриллатиб чалди-да, болаларнинг овози тингач, қизиқиб сўради:

— Тўп дарвозага кирдими?

— Кирди, кирди, лекин...

— Кирган бўлса, демак, гол ҳисобланади. Бўлди. Жўналаринг, — суҳбат тугаганини билдирган кўйи, журналга энгашди-да, қўшимчасига: — Шунақаям майда гап бўладими одам деган! Тағин булар ўғил боламиш... Шамсиева, — дея тўнғиллаб баҳо қўйишдай зарур ишида давом этди.

Дилшод бошлиқ галанинг авзойи тамоман бузилди. Шундан кейин давом этган ўйинда ғалати ҳодисалар рўй бера бошлади. Аввалига Дилшод, майдон марказидан туриб, ўзига оширилган тўпни оёғига солди-да, бор кучи билан рақиб дарвозасига тепди. Тўрга чирмашган тўпни жазаваси қўзиган Рустам югуриб олиб чиқди-да:

— Бу нима қилиқ? — деб шанғиллади.

— Қилиқмас бу, — тиржайди Дилшод. — Гол, ҳақиқий гол. Ишонмасанг Суннат акадан сўра.

Олдинига Рустам ростданам сўрашга чоғланди шекилли, сал тараддудланди, кейин афтини буриштириб:

— Шунақами ҳали?! — деди-да, на қўл тўпию футбол, на баскетболу волейболга ўхшамайдиган ўйинни бошлаб юборди, яъни, майдонда ҳеч қандай қоида қолмади. Қўлига тўп теккан ҳар кимки бор, ҳушига келганини қилишга тушди. Хоҳласа калла қўйиб, тепди, хоҳласа кўксига қучоқлаб, йўлида учраганини босиб-янчиб гол солди. Бу ёқдан мен «ур, теп, қўймайсан» деб олов ёқиб тезлаб турибман. Шу алпоз майнавозчиликда беш минутча вақт ўтувди, чамамда, копток бир маҳал яна Рустамга тегиб қолди. Рустам ўзи таги жуда донишманд, уддабурон боламасми? Қўлга киритган вазиятидан унумлироқ фойдаланишнинг пайида, майдоннинг қоқ марказига чопиб келдида, ўзича яқинда телевизорда қўйилган «Биринчи қалдирғоч» киносидаги Ясонга тақлидан, коптокни бор кучи билан юқорига тепиб:

— Дам олинглар, — деб бақирди.

Лекин, кинодаги Ясон, аввалам-бор коптокни очиқ жойда тепган. Ундан кейин шунақанги тепганки, тўп осмонда кўринмай қолган. Ўшанга у «дам олинглар» деган ва одамлар чинданам тўп ерга қайтгунига қадар икки-уч минут дам олишган. Бу ерни эса, спортзал деб қўйибди. Баландлиги ўн, нари борса ўн икки метр. Тағинам омади бор эканки, синдирган чироғи, биринчидан мажлис залидагига ўхшаган баҳайбат қиммат-баҳо люстрамас, оддий узунчоқ лампа (Қизилсойдаги дўконда тахланиб ётибди ўшанақаси), иккинчидан синган шиша парчалари ҳеч кимнинг бошига тушиб ёрмади.

Бутун зал бўйлаб ваҳимали шарақлаган товушни эшитган хушфеъл Суннат ака бечорани-ку, умуман таниб бўлмай қолди. Ўтакаси ёрилганидан ранглари бир алфоз гезарган, югургилаб келиб:

— Ким? Қайси битта эшак синдирди? — дея ауҳаннос солди.

Рустам бошлиқ бир-икки чаққонлар дарров одобли бола бўлиб, майдон бўйлаб сочилган шиша синиқларини теришга тушишди. Қолганларнинг ранги кесак (Суннат аканинг авзойини кўриб қўрқиб кетишган), мусичанинг боласидай мунғайиб, майдон чеккасида қатор терилишган (ўзим ҳам шуларнинг ичидаман). Суннат ака нақ рўпарамизда. Важоҳати ҳалиям ўша-ўша. Оғзидан сўлак сочиб:

— Сенлардан сўраяпман, ҳўкизлар! Қайси биринг синдирдинг? — деб бўкирди. Кейин бирдан шиша тераётганларга ўгирилиб ўшқирди. — Қани бу ёққа кел ҳамманг!

«Одоблилар» бу пайтда синиқларни йиғиштириб, бурчакдаги ахлат челакка солиб бўлишганди. Чопиб, зумда чап томондан қаторимизга қўшилишди. Бу нарса негадир Суннат аканинг баттар ғазабини қайнатди.

— У ёққамас, — бўкирди у, ўнг томонга ишора қилиб, — Манави ёққа... Ҳа-а... худди шундоқ. Ана энди, ҳозир ҳаммангни патингни битталаб юламан. Токи менга қайси тўнғиз синдирганини айтмагунларингча. Хўш? — қорнини селкиллатиб лапанглади.

Ҳамма жим. Миқ этган садо йўқ.

— Мих ютганмисанлар?! Мен сенлардан ким синдирди деб сўраяпман. — Устозимиз қорнига қўлини қўйиб атрофга аланглади. Унақанги катта фожеа юз бермаганини англай бошлади шекилли, даҳшатли ҳовури сал пасайишга тушди (бизларга эса худди шуниси керак). Вазиятни тўғри баҳолаган Рустам аста сафимиздан чиқди.

— Мен синдирувдим.

Суннат ака Рустамни гўё биринчи марта кўраётгандай ҳайратланиб кўзларини олайтирди.

— Сен-а?

— Ҳм, мен.

— Нимага синдирдинг? — бирдан яна жаҳлланди ўқитувчимиз.

Рустамнинг нафаси ичига тиқилди.

— Атайдан қилганим йўқ.

— Нимага синдирдинг, деб сўраяпман сендан, ҳўкиз?

— Ҳўкизламанг, мен ҳўкиз эмасман.

— Ҳўкиз бўлмасанг, кимсан?

— Одамман.

— Одам? Одам бўлсанг, шу шипда ҳеч кимга зиёни тегмасдан, қайтага ҳаммага фойдаси тегиб осилиб турган нарсани синдирасанми?

— Атайдан қилганим йўқ деяпманку. Билмай қолдим.

— Эҳм... Билмай қолдингми? Шундоқ ақлли, намунали хулқли бола? — Суннат ака қизларга ўгирилди.

— Халилова, журнални обке, — кейин яна бизга қаради, — ҳозир мен ҳам билмай қолиб чиройли битта «икки»ни қўяман... обкелдингми? — қизимиздан журнални олди. — Яхши... чўнтагига қўлини суқиб ручкасини чиқарди. — ... Келаси сафар били-б юрадиган бўласан.

Вой, буни эшитган қизларнинг бидирлашини. Худди Рустам «икки» олса осмондан қизил қор ёғадигандай:

— Суннат ака. Азизовнинг биттаям «тўрти» йўқ.

— Уни кечиринг.

— «Икки» қўйманг, илтимос.

— Медаль олиши керак у.

(Математикадан контроль иши ёзадиган пайт ҳаммасининг иши тушади-да Рустамга).

Бўғирсоқ ўқитувчимиз буларнинг гапини икки тийинга олмади.

— Мен ўша аълочиларингга икки қўйишдан ташқари, кундалигига қониқарсиз хулқ деб ёзиб ҳам бераман.

Рустамнинг-ку аҳволига қараб бўлмайди: башара қийшиқ, лунжлари осилган.

Қизларнинг чакаги баҳо қўйилгандан кейин ҳам тинмади. Унга менинг энсам қотди.

— Мунча чуғурлайсанлар, — дедим. — Отасининг молини йўқотибдими жа?

— Сен ўзинг иккичисан-да, ишинг йўқ, — деб энди менга бидиллаб кетишяпти (бу пайт қўнғироқ чалиниб, танаффус бошланган, Суннат ака журнални кўтариб кабинетига жўнаб қолган).

— Нима қипти иккичи бўлсам? Отамнинг моли уйимда турибди, худога шукр, — дедим-да, боши эгик, қовоғи уюлган Рустамнинг елкасига қоқдим. — Сиқилаверма кўп энди, бўлар иш бўб бўлди. Орқага қайтаролмайсан барибир.

Кейинги иккита дарсни тумсайиб ўтқазган Рустам, уйга кетар маҳал сал ўзига келди. Мактабдан чиқиб хайрлашар пайтимиз (йўлимиз тескари, Қорамош чап, Тувалоқ ўнг томонда) менга қараб тиржайди-да:

— Суннат аканинг қанақа одати борлигини билиб олдингми энди? — деди.

Мен калламни лиқиллатдим.

— Билдим. Голни яхши кўрар экан, — бирпас тусмолладим-да, — лекин, мен яна бир нарсани билдим, — дедим.

— Нимани? — қизиқди Рустам.

— Кўп нарса билиш одамга зиён келтиришини.

— Ҳа-а, э-эй, — қўл силтади Рустам.

Гапимга ишонмади. «Ишонмасанг, ишонма», дедим ичимда.

Бу ўзи менинг ёшликдан қалин оғайним, лекин маҳалласидагилар ғийбатчироқ-да.

АБДУРАҲИМ

ҚОР СОҒИНЧИ

(Қатра)

Оппоқ қор. Осмон кун бўйи элак элади. Дарахтлар, уйлар, ўнқир-чўнқирлар худди мудроқ уйқуда ётгандек. Мен эса, дераза ортида унга термулиб оппоқ қорга ўхшаган беғубор болалигимни эсладим. Ҳа, ҳар доим қор менга такрор-такрор болалигимни эслатади. Қор эригач, у ҳам менинг хаёлларимда эриб кетади.

Оппоқ қор. У қувонч ва покликни учқунларга айлантириб ер узра сочаяпти ва бу покизаликни менга, сенга ва унга улашаяпти. Кўкка боқаман—оппоқ, юзларимга майин ва жажжи парчалар урилади. Ерга боқаман—оппоқ. Бироқ, бу оқлик устида қора изларни кўраман. Нега? Ким у? Кўз олдимдаги беғубор суврат шундайлигича қолишини истайман. Энди мендаги завқ-шавқ ўрнини ўкинч эгаллайди. Қадамлар орасида эзилган ва сариқ-кулранг тусга кирган қорга қараб ачинаман. Менга, сенга ва унга улашилган қувонч бир зумда оёқлар, беҳисоб қадамлар остида эриб кетгандай бўлади.

Энди янги қор ёғишини кутаман. У худди йиллар давомида ёғмагандай ўзига илҳақ қилади. Уни соатларда, кунларда кутаман. Умидсизликка тушиб ҳафсалам пир бўлганида, дарпарда ортидан қор учқунлари учади. Деразам томон чопаман. Кўзни қувонтириб қор ёғяпти. У борлиқни оқликка буркайди. У кўнглимга оппоқ орзулар билан бирга ёғади.

Раъно ЙЎЛДОШЕВА,
Ғиждувон туманидаги
9-мактаб ўқитувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-226.
Тиражи 17975. 1 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Зуҳра БОБОХЎЖАЕВА.
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими —136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.